

67. ✓

УМИДА ШОРАХМЕТОВА

**ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОИЛА  
ҚОНУНЧИЛИГИ БЎЙИЧА НИКОХ  
ТУЗИШ ШАРТЛАРИ**



Тошкент-2009

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

**УМИДА ШОРАХМЕТОВА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ОИЛА ҚОНУНЧИЛИГИ БЎЙИЧА  
НИКОҲ ТУЗИШ ШАРТЛАРИ**

**Тошкент-2009**

Мазкур қўлланма ТДЮИ Ўқув-услугий кенгашининг 2009 йил 22 январь 6-сонли мажлисида нашр учун тавсия қилинган.

УДК 347.622 (575.1)

**Шорахметова У.**

Ўзбекистон Республикасининг оила қонунчилиги бўйича никоҳ тузиш шартлари. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. 46 бет.


Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, ТДЮИ.

**Масъул муҳаррир:** юридик фанлари доктори **Д.М.Қараходжаева**

**Тақризчилар:** **Г.С.Шарипова**, юридик фанлари номзоди, доцент  
**Ш.Р.Юлдашева**, юридик фанлари номзоди

Мазкур ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикасининг оила қонунчилиги бўйича никоҳ тузиш шартларига, яъни никоҳ тузишга қўйилган талабларнинг моҳияти ва аҳамиятига, никоҳ тузиш шартлари бўйича шахсий характердаги, биологик характердаги ҳолатлар мазмунига, никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатларга бағишланган бўлиб, у мамлакатимизнинг асосий Қонуни – Конституция ва амалдаги қонун ҳужжатларига асосланиб ёзилган.

Қўлланма олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, амалиёт ходимлари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.



© У.Шорахметова, 2009.

© Тошкент давлат юридик институти, 2009.

## КИРИШ

Бугун биз тарихий даврда – халкимиз ўз олдига энг уш улуг мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, авваламбор ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти куриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамокдамиз<sup>1</sup>.

Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқийс дир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади<sup>2</sup>.

Оилада, оилавий муносабатлар қанчалик тўғри йўлга қўйилган бўлса, унинг шунчалик мустаҳкам бўлиши, бу ўз навбатида, жамиятни ҳам мустаҳкамланишига ўз таъсирини кўрсатиши амалиётда синовдан ўтган омиллардандир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён республика-мизда ҳуқуқий давлат барпо этишни пировард мақсад сифатида белгилаб, фуқаролар ва давлат манфаатларига мос келадиган ҳамда ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлашга қаратилган кўплаб қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, улар давр талабларига ва фуқаролик жамияти андозаларига тўла мос келади деб айтиш мумкин.

Жумладан, шу қисқа давр ичида фуқаролик, фуқаролик процессуал, жиноят, жиноят процессуал, меҳнат, маъмурий жавобгарлик, солиқ ва бошқа кодекслар, қатор қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 30 апрел 1-чақириқ II-сессиясида янги Оила кодекси қабул қилинди ва шу йили 1 сентябрдан бошлаб амалга киритилди.

Ўтиш даври шарт-шароитлари оилада тотувлик бўлишини, эркак билан аёлнинг маънавий ҳолатини, болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган тадбирларнинг амалга оширилишини шарт қилиб қўймоқда. Натижада, кишиларнинг меҳнат ва жамоадаги, оиладаги фаоллигини сусайтирмасликка қаратилган чоралар кўрилиб, турли йўсиндаги нелоҳотларни ўтказиш орқали вужудга келиши мумкин бўлган баъзи қийинчиликларнинг олдини олишга муваффақ бўлинмоқда.

Мазкур қўлланма оила ҳуқуқининг муҳим институтларидан бири никоҳ тузиш шартлари ва унга риоя қилинмай тузилган никоҳнинг ҳуқуқий оқибатларига бағишланган.

<sup>1</sup> Ислом Каримов. – Юксак маънавият енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. 3 бет.

<sup>2</sup> Ўша манба. –52 бет.

Мазкур қўлланмада никоҳ тузиш тартиби ва шартларини илмий таҳлил қилиш, никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатларни ёритиш, никоҳнинг ҳақиқий эмаслиги ва унинг ҳукукий оқибатлари каби масалаларни ҳали республикамиз миқёсида атрофлича ўрганилмаганлигини инобатга олган ҳолда илмий-амалий ҳамда назарий таҳлил қилинди.

# **І БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ОИЛА ҚОНУНЧИЛИГИ БЎЙИЧА НИКОҲ ТУЗИШ ШАРТЛАРИ**

## **1.1. Никоҳ тузишга қўйилган талаблар моҳияти ва аҳамияти**

Президент И.А.Каримов оила ҳақида сўз юритиб, Оила фаровонлиги – миллат фаровонлиги, шарқда қадим- қадимдан оила муқаддас Ватан саналганлиги, агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришишини, бинобарин, маҳалла - юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суришини таъкидлайди<sup>1</sup>. Республикамизда ҳозирги кунга катор оилавий муносабатларни тартибга солишга ва мустаҳкамлашга қаратилган Президент Фармонлари, Фармойишлари Вазирлар Маҳкамаси қарорлари қабул қилиниб, изчил амалга татбиқ этиб келинмоқда.

Фуқаролар оилавий турмуш қуришда амалдаги қонунларга риоя қилган ҳолда никоҳ тузсалар, бундай никоҳни давлат ҳам, жамият ҳам қўллаб-қувватлайди. Оила кодекси нормалари талабларига биноан тузилган никоҳ эр-хотинларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини, вояга етмаган болалар манфаатларини, маъмурий ёки суд тартибида қонунан ҳимоя қилиниши кафолатланади. Никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан эътиборан эр-хотинлар ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келади.

Қонуний асосларга кўра никоҳ тузиш бўлгуси эр-хотин учун ҳам, жамият учун ҳам ғоят муҳим ижтимоий-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳолат ҳисобланади. Шу сабабли ҳам Оила кодексида никоҳ тузиш тартиби ва шартлари белгилаб қўйилган. Ушбу талабларга, шартларга қатъи риоя қилиш вужудга келаётган оилани мустаҳкам, ҳақиқий ва барқарор бўлишини таъминлайди. Ушбу тадқиқот ишида никоҳ тузиш тартиби ва шартларининг мазмуни атрофлича илмий таҳлил этилади. Айни пайтда уларни муайян тизим асосида туркумлаш ўзига хос назарий аҳамиятга эгадир.

Энг аввало, никоҳга кирувчи эркак ва аёл уни юридик факт сифатида мустаҳкамлашлари, давлат рўйхатидан ўтказишлари талаб этилади. Никоҳни давлат рўйхатидан ўтказишнинг муайян процессуал тартиби шунчаки формал таҳлил эмас. Ушбу процессуал тартиб муайян босқичлардан иборат, ундаги иштирокчилар, улар томонидан содир этиладиган процессуал ҳаракатлар мазмуни, ҳужжатлар шакли ва мазмуни аниқ-равшан белгилаб қўйилган ва бунга қатъий риоя

<sup>1</sup> Халқ сўзи газетаси, 1997 йил 8 декабрь.

этиш талаб этилади. Ушбу процессуал тартиб куйидаги вазифаларни бажаради:

-биринчидан, никоҳ тузувчиларни никоҳга нисбатан масъулият билан муносабатда бўлишини таъминлайди, никоҳга киришишга енгилтаклик билан қарашларни олдини олади;

-иккинчидан, тарафларни пухта ўйлаган ҳолда, шопма-шошарликка йўл қўймасдан қарор қабул қилишларини таъминлайди;

-учинчидан, никоҳ тузишда давлат иштирокини белгилар экан, никоҳга нисбатан нафақат юридик фактни, балки жамиятни янги тузилмасини вужудга келишини расмийлаштириш жараёни сифатида эътироф этади;

-тўртинчидан, эр-хотин ўртасидаги ҳуқуқий боғланишни амалга оширади, улар ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга асос солади, янги ҳуқуқий макомини белгилайди.

Л.М.Пчелинцеванинг таъкидлашича, агар никоҳ давлат рўйхатидан ўтмаган бўлса, эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари эркак ва аёлнинг фактик эр-хотинлик алоқаларидан (улар канчалик узоқ давом этган бўлишидан қатъи назар) келиб чикмайди. Унинг фикрича, никоҳни давлат рўйхатидан ўтказиш орқали куйидаги вазифалар амалга оширилади:

-никоҳ тузиш тартиби ва шартларига риоя қилиниши устидан назорат қилинади;

-эркак ва аёлнинг оила қуришга бўлган шахсий манфаатлари ва эҳтиёжларини қаноатлантириб, уларнинг никоҳ муносабатлари юридик расмийлаштирилади;

- фуқароларнинг никоҳ ҳолати бўйича маълумотларга эга бўлишлари орқали статистик ҳисоботлар юритиш, улардан оилани қўллаб-қувватлаш ва демографик давлат сиёсати юритиш;

- келгусида рўй бериши мумкин бўлган никоҳдан ажралиш ҳоллари қонунийлиги устидан назоратни амалга ошириш <sup>1</sup> деб баҳолайди.

Ушбу процессуал тартибда давлат ва унинг номидан никоҳни расмийлаштирувчи ваколатли идора алоҳида мавқега эга ва улар алмаштирилиши мумкин эмас. Ҳеч қандай жамоат уюшмалари, диний ташкилотлар никоҳни расмийлаштиришга ваколатли эмасдирлар.

Никоҳ тузишнинг процессуал тартиби билан боғлиқ шартларидан ташқари бошқа шартларини шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин:

<sup>1</sup> Л. М. Пчелинцева. Семейное право России. - М.Норма. 2008. - 68-69-бстлар.

- биринчи гуруҳга никоҳга кирувчиларнинг шахси билан боғлиқ шартлар;

- иккинчи гуруҳга никоҳ тузувчиларнинг биологик ҳолати билан боғлиқ бўлган шартлар ҳисобланади.

Никоҳ тузувчиларнинг шахси билан боғлиқ шартлар уларнинг шахсий хусусиятлари (никоҳ тузишдан кўзланган мақсад, никоҳга киришда ички ирода ҳолати, никоҳланувчиларни никоҳ мақоми) билан боғлиқдир.

Никоҳга кирувчиларнинг биологик ҳолати билан боғлиқ шартлар, уларнинг саломатлиги ҳолати, руҳий-психологик ҳолати билан боғлиқ муомала лаёқати (аслида лаёқатсизлик ҳолати) билан боғлиқ.

Никоҳланувчилар яқин туғишган қариндош бўлмасликлари тўғрисидаги талаб никоҳ тузиш шартларидан бири бўлиб, у кўпроқ шахсий характерга эга бўлган шартлардан ҳисобланади.

Оиланинг вужудга келишида эркак ва аёлнинг турмуш қуриб, никоҳлари давлат рўйхатидан расмийлаштирилган кундан вужудга келади. Шунинг учун никоҳнинг қонуний асосларини белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Оила кодексининг 13-моддасида никоҳ тузиш тартиби бўйича 7 та ҳолат кўрсатилади. Ушбу модданинг биринчи қисмида - никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органларида тузилиши ўз ифодасини топган.

Никоҳ фақат белгиланган тартибда расмийлаштирилган бўлсагина, эр-хотинларга нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлар келтириб чиқаради.

Фуқаролик ҳолати далолатномалари туман ва шаҳарлардаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларида қайд қилинади.

Бошқа жойларда, масалан шаҳарча, қишлоқ ва овулларда эса, фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) томонидан қайд этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг чет элда доимий ёки вақтинча яшовчи фуқароларининг фуқаролик ҳолати далолатномалари, шу жумладан никоҳ ҳам консул томонидан Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларига асосан қайд этилади<sup>1</sup>.

Бу қонданинг мазмунидан шу нарсани англаш мумкинки, республика ҳудудидаги бошқа давлат органларининг (масалан, вазирлик,

<sup>1</sup> Ж.Расулев. Консуллик хизмати томонидан фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. Номўдлик дисс. Автореферати. Т. 2003 й.



қўмита ва ҳ.к.) берган турли хилдаги маълумотномалари ҳеч қандай ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмайди ва улар никоҳни қайд қилганлик ҳақидаги гувоҳноманинг ўрнини босаолмайди. Демак, никоҳни қайд этиш ҳақидаги гувоҳнома ўз навбатида никоҳ тузилганлигини тасдиқловчи далил бўлиб ҳам ҳисобланиб, юридик фактларни вужудга келтиришга, ўзгартиришга ва бекор қилишга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома юзасидан низолашилмайди ва уни ҳақиқий эмас деб ҳисоблашга қонун йўл қўймайди.

Никоҳ тузишнинг яна муҳим аҳамиятларидан бири, юқорида қайд қилинганидек, эр-хотин ва болаларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлигидир. Қонуний асосларга биноан тузилган никоҳ эр-хотинлар учун Оила кодексининг 18-28-моддаларида белгиланган шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келтиради

Фикримизча, никоҳ тузиш тартиби ва шартларига асосан тузилган никоҳнинг моҳияти яна шундан иборатки, бунга кўра, эр ёки хотин томонидан қонунларнинг бузилиши, эр-хотиндан лоақал биттаси рўйхатга олинган яна бошқа бир никоҳда турганлигини олдини олади, никоҳ тузиш тўғрисидаги статистик маълумотларни аниқлашга ва шу билан давлатни оилаларга бериладиган турли имтиёзларни тўғри йўлга қўйишга ва бошқа масалалар бўйича аниқ иш юритишга ёрдам беради.

Оила кодекси 13-моддасининг 2-қисмида диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий жиҳатдан аҳамиятсиз эканлиги ҳақида қисқа ва тушунарли кўрсатма берилган.

Ўз кучини йўқотган 1969 йилдаги Никоҳ ва оила кодексининг 14-моддаси 3-қисмида диний маросимлар асосида тузилган никоҳ, муайян ҳолатларда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилган никоҳга тенглаштирилиши кўрсатилган эди.

Амалдаги Оила кодексига диний расм-русумларга биноан ҳозирги даврда тузилган никоҳ ҳуқуқий оқибат туғдирмаслиги ҳақида белгиланган бўлса-да, бироқ юқоридаги Фармон ва Олий суд Пленумининг қарори мазмунига кўра, ўтмишда диний расм-русумга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий оқибат вужудга келтиришга йўл қўйилади. Ушбу норма ўтган асрнинг 30-йилларида халқимизнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти-етарли даражада бўлмаган ва диний расм-русумлар кенг авж олган даврда никоҳланган эр-хотинлар қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий асослар эканлигини унутмаслик лозим.

Оила кодексининг 13-моддаси 3-5-қисмлари никоҳ тузиш муддатларига бағишланган бўлиб, бу қоидаларга:

1) никоҳ тузиш никоҳланувчиларнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органига ариза берганларидан кейин бир ой ўтгач шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилиши белгиланган. Бу қоида 1969 йилги Никоҳ ва оила кодексига нисбатан ижобий жиҳати шундан иборатки, амалдаги Кодексга “шахсан уларнинг иштирокида амалга оширишлик” деган сўзларни киритилиши эр-хотиннинг никоҳ тузиш масаласига жиддий эътибор бериш лозимлигидан, бундай ишларда вакиллик институтининг татбиқ этилмаслигидан, эр-хотинлик муносабатлари шахсий муносабат эканлигидан ва шу билан уларнинг жисмоний, руҳий ҳолатларини ҳам аниқлашга имкон туғдиришдан далолат беради.

Қонунда никоҳ тузиш тартиби бўйича тарафларга бир ойлик муддат берилган.

Л.Пчелинцева Россия Федерацияси Фуқаролик ҳолати далолатномалари тўғрисидаги қонунининг 27-моддаси 3-қисмига кўра ФХДЁ органи ёки никоҳга кирувчилар аризасига кўра никоҳни қайд эттириш муддати 1 ойдан кейин эмас, балки 2 ойгача қилиб узайтирилиши мумкинлиги ҳақида фикр юритиб, қуйидаги ҳолатлар асос бўлишини кўрсатади:

а) никоҳга кирувчи шахслардан бири касалхонада даволанаётган бўлса;

б) никоҳга кирувчи шахслардан бири хизмат сафарига сафарбар қилинган бўлса;

в) никоҳ тузишга монелик қилувчи ҳолатлар мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни текшириш, аниқлаш зарурати мавжуд бўлса<sup>1</sup>.

Фикримизча, юқоридаги мазмундаги нормани Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 13-моддасида белгилаб қўйиш ўринли бўлур эди. Агар узрли сабаблар бўлса, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи бир ой муддат ўтгунга қадар ҳам никоҳ тузишга рухсат беришлиги кўрсатиб ўтилган. Худди шу қоида 1969 йилги Никоҳ ва оила кодексининг 15-моддаси 2-қисмида ваколатли шахслар томонидан белгиланган бир ой муддат ўтмасданок, никоҳ тузишга рухсат бериш мумкинлиги кўрсатилган эди. Амалдаги Оила кодексига эса бундай ҳуқуқ фақат фуқаролик ҳолати далолатномалари қайд қилиш органига берилган. Оила кодексининг 203- моддасида эса фуқаролик ҳолати далолатномалари туман ва шаҳарлардаги фуқа-

<sup>1</sup> Л.М. Пчелинцева. Семейное право России. -М.: -Норма.- 2008.-71-б.

ролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларида қайд қилиш билан бир қаторда шаҳарча, қишлоқ ва овулларда фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) томонидан ҳам қайд қилиниши мумкинлиги кўрсатилган. Шунинг учун Оила кодексининг 13-моддаси 4-қисмига "... ва ёхуд шаҳарча, қишлоқ ва овулларда фуқаролик йиғини раислари (оқсоқоллари) томонидан..." деган қўшимча киритилиши Оила кодексининг 203- моддаси мазмунига мувофиқ бўлади, деган фикрдамыз.

Бундан ташқари, ушбу ҳуқуқий меъёردа "узрли сабаблар бўлганда..." дегани қоида берилган. Бу ҳуқуқий меъёрни тўлиқ мазмуни 1969 йилги Никоҳ ва оила кодексига ва амалдаги Оила кодексига ҳам очиқ берилмаган, яъни қайси ҳолатларни "узрли" деб ҳисоблаш мумкинлиги қатъи белгилаб қўйилмаган.

Фикримизча, ушбу ҳолатга аниқлик киритиш маъносида 13-модданинг 5-қисмига эътибор берилса, юқоридаги саволларга жавоб топгандай бўламиз. Бу қоидада "алоҳида ҳоллар (ҳомилдорлик, бола туғилиши, бир тарафни касаллиги ва бошқалар)да никоҳ ариза берилган кун тузилиши мумкинлиги" белгиланган.

Бу ҳуқуқий меъёр амалдаги Оила кодексига киритилган янги қоидалардан ҳисобланиб, унинг киритилишига инсон манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, зарур ҳолларда никоҳни ариза берилган кунгача тузилиши, айниқса бизнинг шарқона урф-одатларимизга эътибор бериш (ҳомиласи аниқ бўлган қизнинг шаъни, кадр-қимматига путур етказмаслик, кўпчилик ўртасида шармандаи-шармисор қилмаслик) мақсадини кўзланишини таъкидлаш лозим.

Бу қоидадан қонунчиликка киритилиши Оила кодексининг янги жиҳатларидан эканлигини қайд қилиш керак. Шу билан бир қаторда, юқорида кўрсатиб ўтилган 13-модда мазмунан тўла мукамал деган фикрдан йироқмиз, унинг 4-5-қисмларини тўлдириш мақсадида қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларни илгари сурмоқдамиз:

- агар никоҳни қайд қилдириш учун ариза берганлар амалда узоқ вақт бирга амалий никоҳ муносабатларида яшаган бўлсалар;

- никоҳни қайд қилдириш учун ариза берган эркак ва аёлнинг ўртасида умумий фарзандлари бўлса;

- ариза берганлардан бири узоқ, муддатга хизмат сафарига ёки тез-тез келиб туриши мумкин бўлмаган жойга бориши лозим бўлса;

- куёв ёки келиннинг яқин қариндошларидан бири оғир касал бўлса;

- ариза берган куёв Куролли кучлар сафига чакирилган бўлса ва х.к.

Никоҳни қайд қилувчи ФХДЁ органи мудираси ҳар бир ҳолатни алоҳида назардан ўтказиши ва “узрли сабаблар” деган сўз маъноси чекланган бўлмасдан амалиётда янада бошқа ҳолатлар учраши мумкинлигига, келтирилган ҳолатлар рўйхати тахминий эканлигини англаши лозим.

Амалиётда, никоҳни қайд қилувчи ФХДЁ органи мудираси никоҳ тузиш муддатини қисқартириш ҳақида берилган аризага ҳар икки тараф (яъни келин-куёв) томонидан бирга имзо қўйган ҳолатларга эътибор бермаслиги туфайли, никоҳ тузиш жараёнида айрим келишмовчиликларнинг келиб чиқишига асос бўлмоқда.

И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Хусусан фуқароларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш соҳасини мумкин қадар кенгайтириш даркор. Ваҳоланки, айрим тармоқ, қонунларида ҳуқуқлари поймол этилган фуқароларнинг шикоятларини судлов йўли билан эмас, балки маъмурий йўл билан кўриб чиқиш тартиби ҳам учрайди.

Албатта, бу ҳол -, „Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси“га ва бизнинг Конституциямиз талабларига зид. Фуқаро, агар унинг қонуний манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилган тақдирда, ҳар қандай масала бўйича ҳимоя учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлмоғи даркор”<sup>1</sup>.

Юртбошимизнинг фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилган тақдирда, улар маъмурий органларга эмас, суд ҳимоясида бўлишлари лозимлиги ҳақидаги кўрсатмалари қонунларимизда ўз аксини топиши лозим.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органи никоҳни рўйхатга олишни рад этганда шикоят билан бевосита судга ёки рад жавоби берган мансабдор шахсларнинг бўйсунушига кўра, юқори турувчи органга мурожаат қилиш мумкинлиги 1969 йилги Никоҳ ва оила кодексига алоҳида қоида сифатида берилмаган эди. Ушбу қоида илгариги Гражданлик процессуал кодексига алоҳида тартибда кўриладиган ишлар туркумига киритилиб, “Фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш дафтаридаги ёзувларнинг нотўғрилигини белгилаш тўғрисида”ги ишлар ГПКнинг 270-моддаси 6-бандида берилган эди. Бундан ташқари, ГПКнинг 298-моддасида “Агар фуқаролик ҳолати

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий ижтимоий ва иқтисодий исติқболининг асосий тамойиллари. –Т.: Ўзбекистон. 1995. -23-24-бетлар.

актларини қайд қилиш органлари ҳуқуқ ҳақида бирон низо бўлмаса ҳам ёзувга тузатиш киритишни рад этган бўлсалар, фуқаролик ҳолати актлари дафтаридаги ёзувларнинг нотўғрилигини белгилаш тўғрисидаги ишларни суд томонидан кўрилиши” белгиланган<sup>1</sup>.

Бу қонданинг мазмунидан ва процессуал қонунчилик тизимидан шу нарса маълумки, фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларидаги нотўғриликларни белгилаш алоҳида тартибда кўриладиган ишлар туркумига киритилишига асос бундай туркумдаги ишларда манфаатдор қарама-қарши тарафлар иштирок этмайдилар ва улар ўртасида низо бўлмайди, шу сабабли ҳам бундай ишларни даъво тартибда кўриб бўлмайди.

Фуқаролик ишларини алоҳида тартибда кўриш бошқа турдаги иш юритишлардан даъво талабларининг, тарафларнинг-даъвогар ва жавобгарларнинг бўлмаслиги, бундай ишларда фақат “арз қилувчи” шахснинг иштирок этиши ва ишда “низонинг” бўлмаслиги билан фарқланади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органи никоҳни рўйхатга олишни рад этганда шу орган ходими билан никоҳланувчилар ўртасида қандайдир келишмовчиликлар вужудга келиши ва уларнинг асоссиз хатти-ҳаракатлари туфайли никоҳ рўйхатга олинмаганлиги, манфаатдор шахснинг хизмат вазифасидан келиб чиқишлиги сабабли бундай туркумдаги ишларни амалдаги Фуқаролик процессуал кодексда алоҳида тартибда юритиладиган ишлар туркумидан давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш бўлимига ўтказилиб тўғри ва мақсадга мувофиқ ечимга эришилган.

Оила кодексининг 13-моддаси 7-банди шу кодекснинг 203-моддасида берилган мазмунда кенгроқ шарҳланганда шахарча, қишлоқ, овулларда ҳам фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) томонидан ҳам никоҳ тузиши эътиборга олинса, никоҳни рўйхатга олишни рад этган мансабдор шахслар устидан ҳам судга шикоят бериш мумкинлигини назарда тутилиши лозим.

Никоҳни рўйхатга олиш рад этилганда манфаатдор тараф шикоят билан бевосита судга ёки бўйсунушига қараб юқори турувчи органга мурожаат қилиши мумкинлиги тўғрисидаги қоида амалиётда чалкашликларга сабабчи бўлиши мумкин, чунки агарда фуқаро бевосита судга мурожаат этса, шикоят ҳақида тегишли никоҳни қайд

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Гражданлик процессуал кодекси. -Т.: Адолат. 1993. 251-б.

килувчи орган ходимлари ўз вақтида хабардор бўлмасликлари мумкин. Фикримизча, манфаатдор шахслар Фуқаролик процессуал кодексига белгиланган шикоят қилиш тартибига риоя этсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. ФПКнинг 322-моддасига биноан, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори устидан шикоят ва протест апелляция инстанция суди номига ёзилиши, лекин ҳал қилув қарори чиқарган судга берилиши кўрсатилган (ФПКнинг 322 -моддаси).

Ушбу қоидага амал қилиб, никоҳни рўйхатга олишни рад этганда шикоят тегишли фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органи орқали судга ёки бўйсунушига кўра юқори турувчи органга юборилган тақдирда, ортикча ёзишмаларга йўл қўйилмаган бўлади. Бундан ташқари, тегишли фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилувчи мансабдор шахс ўзининг бу борадаги фикр-мулоҳазалари ва никоҳни рўйхатга олишни рад этганлик сабаблари ҳақида тушунтиришлар билан судга ёки бўйсунушига қараб юқори турувчи органга мурожаат этишга имконият берилган бўлади.

Назаримизда, қонунчиликка бўйсунушга қараб юқори турувчи орган қайси эканлигини кўрсатиш ижобий натижа беради, чунки фуқароларни бузилган ҳақ-хуқуқлари ўз мазмун-моҳиятига кўра бир қатор органлар: суд(фуқаролик ишлари бўйича, хўжалик суди, ҳакамлик ва ҳолислик судлари), прокуратура органлари орқали ҳимоя қилиниши мумкин.

Фикримизча, амалдаги ФПКнинг 274-моддасига 3-қисм сифатида янги қоида киритишни ва уни қуйидагича ифодаланишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

“Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органи никоҳни рўйхатга олишни ва бошқа қонунларда белгиланган ишлар бўйича рад этиш тўғрисидаги ишлар судда шикоятчи ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларининг вакили иштирокида кўриб чиқилади”.

Демак, никоҳни рўйхатга олиш рад этилганда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органи, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ғайриқонуний ҳаракатларига нисбатан ариза бериш орқали алоҳида тартибда иш юритиш тури бўйича эмас, балки, шикоят бериш, прокурор протест келтириш, яъни ФПКда белгиланганидек, давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш тартибида кўриб ҳал этилиши лозим. Амалда бу янги қоидани қанча

лик асосли эканлигини суд амалиётини умумлаштириш орқали осон аниқлаш мумкин.

Никоҳ тузишнинг амалдаги тартибини ўрганиш асосида куйидаги хулосаларга келдик:

-биринчидан, никоҳни давлат органида ёхуд ўзини ўзи бошқариш органларида қайд этилиши ушбу юридик фактни аниқ ва ишончли қайд этилишини таъминлайди;

-иккинчидан, мавжуд тартибда ортиқча формал талаблар бюрократик тўсиқлар мавжуд эмас;

-учинчидан, никоҳ тузиш тартиби никоҳга кирувчиларни шоша-шошарликка йўл қўймасдан, бир-бирига нисбатан ўз хис-туйғуларини аниқ ва ишончли англаб етиш орқали қарорлар қабул қилишга имкон беради;

-тўртинчидан, никоҳни шахсан ва ихтиёрийлик асосида тузиш кафолати никоҳни ҳақиқий ва мустаҳкам бўлишига хизмат қилади;

-бешинчидан, никоҳ тузишдан олдин тиббий кўриқдан ўтиш нафақат бўлғуси эр-хотин саломатлигини, балки улардан туғиладиган фарзандлар саломатлиги ва баркамоллигини таъминлайди;

-олтинчидан, никоҳ тузиш тартиби шахсий манфаатларни, ҳамда давлат ва жамият манфаатларини ўзига хос ҳуқуқий кафолати вазифасини бажаради.

## **1.2. Никоҳ тузиш шартлари бўйича шахсий характердаги ҳолатлар мазмуни**

Ҳуқуқий демократик давлат ва бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамиятини қуриш бизнинг асосий мақсадимиз экан, шундай жамиятни, давлатни қуришда, равнақ топтиришда оиланинг ўрни бекиёсдир.

Никоҳ оиланинг вужудга келишидан бирдан-бир асос, омил бўлиб хизмат қилади. Никоҳ муносабатлари қанчали соф, эркин, ихтиёрий, шунингдек давлат томонидан қўйилган талабларга монан равишда тузилса, албатта, шу оиланинг мавқеи, обрўи, шунингдек ушбу оила вояга етиб келаётган фарзандлар ҳам комил инсон бўлиб етишадилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 16-модда 2-бандида<sup>1</sup>, Ўзбекистон Республикаси

<sup>1</sup> Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси. -Т. :- Ўзбекистон. -1998й.

Конституцияси 63-модда 2-қисмида никоҳ тузиш ихтиёрий эканлиги, никоҳ фақат никоҳдан ўтаётган ҳар икки томоннинг эркин ва тўлиқ розилиги асосидагина тузилиши мумкинлиги<sup>1</sup> нормаланади.

Никоҳ тузишда ихтиёрийлик тамойилини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатлари никоҳни юридик расмийлаштиришда яққол намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 13-моддасига биноан никоҳ тузиш тартиби нормаланган бўлиб, унга кўра:

-биринчидан, никоҳ тузиш учун билдирилган ёзма розилик (ариза никоҳланувчи шахслар томонидан, яъни, эркак ёки аёл томонидан бевосита ёзилади ва имзоланади) асосида намоён бўлиши;

-иккинчидан, никоҳ тузиш учун ариза берилгандан кейин бир ойлик муддат белгиланиши. Ушбу конун билан белгиланган бир ойлик муддатнинг белгиланишидан кўзланган мақсад, никоҳланувчи шахслар никоҳга эркин, ихтиёрий, тенглик ҳамда ўзга шахсларнинг мажбурловисиз эканлигини аниқлаштириш ҳамда келажак оилани мустаҳкамлигини таъминлашдан иборатдир;

-учинчидан, никоҳ никоҳланувчиларнинг шахсан иштирокларида қайд этилади. Никоҳни вакил ёки ишончнома орқали расмийлаштиришга йўл қўйилмайди.

Ф.М.Отахўжаев никоҳни қайд этиш муддатини узайтириш никоҳланувчиларнинг биргаликдаги аризаларига биноан кўриб чиқилишини, айрим ҳолларда етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда, шунингдек, ФХДЁ органининг ташаббуси билан узайтириши мумкинлигини ҳамда бу муддат уч ойдан ошмаслиги лозим, - деган фикрни билдиради<sup>2</sup>.

Фикримизча, бу ерда Ф.М.Отахўжаев тўғри ва асосли фикр-мулоҳазаларни илгари сурган. Чунки никоҳланувчи шахслар айрим ҳолларда конун билан белгиланган бир ойлик муддат давомида бир-бирлари тўғрисида тўлиқ маълумотларга эга бўлмасликлари, айрим ҳолларда эса уларнинг оилавий шароитлари билан боғлиқ бўлган салбий ҳолатлар юзага келиши ва унинг натижасида никоҳ тузилмай қолиши мумкин. Биз ҳам Ф.М.Отахўжаевнинг фикрларига тўла қўшилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 13-моддасига қуйидаги қўшимча киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

13-модда тўртинчи қисмдан сўнг, бешинчи қисм қисм сифатида, никоҳланувчи шахсларнинг илтимосига биноан белгиланган бир ой-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. Ўзбекистон - 2008 й.

<sup>2</sup> Ф.М.Отахўжаев. Ўзбекистон Республикасининг Оила ҳуқуқи. Т.: 2005. 95 б.



лик муддат уч ойгача узайтирилиши мумкин. 13-модданинг бешинчи қисми эса ўз навбатида олтинчи қисм бўлиб ҳисобланади.

Шуни яна алоҳида таъкидлаш зарурки, 1969 йилги ЎзССРнинг Никоҳ ва оила кодекси 17-моддасида никоҳ тузиш учун никоҳланувчиларнинг фақатгина ўзаро розиликлари талаб қилинган бўлса, амалдаги Оила кодексига ушбу масалага кенгрок ва чуқуррок ёндошилишнинг кўриш мумкин. Оила кодексига нафақат никоҳ тузишнинг ихтиёрий эканлиги, балки бўлажак эр- хотинларнинг ўзаро розиликларини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлишлари ва никоҳ тузишга мажбур қилиш тақиқланиши нормаланади.

Оила ҳуқуқининг асосий тамойилларидан бири бўлган тамойил никоҳ тузишнинг ихтиёрийлик тамойилидир. Ушбу тамойилга оғишмай амал қилиш, келажак оиланинг мустаҳкамлиги ва уни бахтли ҳаёт кечириши оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатликда бўлиши, бошқа бирон-бир кишининг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўймаслиги учун бўлажак эр-хотинлар никоҳ тузишни пухта ўйлаб, ўз хоҳиш-ихтиёрларига асосланган ҳолда тузишлари лозимлигини пойдевори ва асоси деб ҳисоблаш мумкин. Никоҳ тузишнинг ихтиёрийлиги унинг асосий шартларидан бўлиш билан уни эркин ва тенглик тамойили асосида вужудга келишини, оилани барқарор ва мустаҳкам бўлишини ҳам таъминлайди.

Л.М.Пчелинцеванинг ихтиёрийлик асосида никоҳга кириш ҳусусида ижобий фикрлар билдирилса-да, лекин у никоҳга ариза бераётган шахслардан бири ўзининг никоҳга кириши учун розилиги билдирилган аризани нотариал тартибда қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим қилиши мумкинлигини кўрсатади<sup>1</sup>.

Фикримизча, Л.М.Пчелинцеванинг фикрлари баҳс талаб. Чунки никоҳни ихтиёрийлик асосида қуриш келажакда оиланинг мустаҳкамлигини таъминлайди. Назаримизда, никоҳланувчи шахслар албатта никоҳга кириш учун бериладиган аризани бевосита никоҳланувчи шахслар томонидан берилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки никоҳ ҳар иккала никоҳланувчи шахсларнинг эркин-иродаларига, хоҳиш-истакларига риоя қилинган ҳолда тузилса, келажакда вужудга келадиган оила мустаҳкам ва барқарор бўлади.

Никоҳни эркин тузилиши учун берилган розилик ҳақиқий бўлиши, у қўрқитиш, зўрлаш, алдаш орқали ёки никоҳланувчиларнинг би-

<sup>1</sup> Л.М.Пчелинцева. Семейное право России.-5-е издание.-М.:Норма.-2008.-59 б.

ри ёхуд ҳар иккисига руҳан таъсир қилиш йўли билан тузилиши тақиқланади<sup>1</sup>.

Амалиётга мурожаат қиладиган бўлсак, шундай ҳолатнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Фуқаро Толипов А. ва фуқаро Нарзиева Х.лар 2006 йилнинг 18 феввалида Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 1-сонли ФХДЁ органида никоҳларини расмийлаштирадидлар. Уларнинг никоҳлари расмийлаштирилганидан кейин бир ой ичида фуқаро Нарзиева Юнусобод туманлараро фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судга мурожаат қилиб, Толипов А. билан тузилган никоҳларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво ариза билан мурожаат қилади. Даъво аризада, Нарзиева уларнинг никоҳи ихтиёрийсизлик асосида ота-онасининг қистови билан тузилганлигини кўрсатиб ўтади. Ушбу ҳолат бўйича суд Нарзиева Х.нинг талабини ҳамда келтирилган асослар ўринли эканлигини инobatга олган ҳолда, фуқаро Толипов ва Нарзиеваларнинг никоҳини ҳақиқий эмас деб топади, ҳамда Нарзиеванинг ота-онасини ҳам жиноий жавобгарликка тортиш ҳақида жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судига иш материаллари юзасидан тақдимномани жўнатади<sup>2</sup>.

Юқорида таъкидлаганимиздек, никоҳланувчи шахсларга бериладиган бир ойлик муддатни уч ойгача узайтириш, назаримизда ижобий натижа беради. Ҳамда никоҳланувчи шахсларнинг никоҳга кириш ёки кирмасликларини, уларнинг никоҳи соф ёки сохта эканлигини ҳам аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Айрим ҳолларда амалиётда тузилган никоҳ тузиш ихтиёрийлик асосида тузилган бўлса-да, бироқ, кейинчалик бу “ихтиёрийлик” кўрkitиш, зўрлаш, алдаш, мансабни суиистеъмол қилиш, бир тарафнинг иккинчи тарафга боқимандалиги каби ҳолатлар асосида тузилганлиги маълум бўлади. Кўпчилик ҳолларда ушбу тазйиқлар асосига аёллар дучор бўлмоқдалар ҳамда никоҳдан ажралиш масаласи билан судга мурожаат этадилар. Бундай ҳолларда суд ишни никоҳдан ажратиш тартибида эмас, балки никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тартибида кўриш билан айбдор шахсни жиноий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб, ҳал этиши керак бўлади.

Фикримизча, никоҳни ҳақиқий эмас деб топишда судлар томонидан кўриладиган масалаларни умумлаштириб, қонун аналогияси қоидалари билан ишни ҳал этишлари лозим.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига шарҳлар. Т.: Адолат. 2000. 43-бет.

<sup>2</sup> Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суднинг 2006 йилдаги ҳал қилув қарори. №345.

Оила кодекси нормаларида ва бошқа оилавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ости ҳужжатларида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорларида ҳам никоҳ тузиш учун ихтиёрийлик тамойилининг бузилиши бўйича тегишли қонун ҳужжатлари мавжуд эмас.

Назаримизда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича қабул қилинадиган қарорларида бевосита никоҳ тузиш учун талаб қилинадиган ихтиёрийлик тамойили хусусида батафсил таъриф берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки ушбу ҳолат фуқаролик ишлари бўйича судларнинг ҳам иш фаолиятини нормал тарзда йўлга қўйиш учун асос бўлиб хизмат қилар эди.

Оила кодексининг 13-моддаси тўртинчи қисмида белгиланган узрли сабаблар бўлганда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи бир ой ўтгунга қадар никоҳ тузишга рухсат бериши мумкинлиги нормаланди. Ушбу модданинг бешинчи қисмида эса алоҳида ҳоллар (ҳомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқалар)да никоҳ ариза берилган куни тузилиши мумкинлиги кўрсатилади.

Фикримизча, 13-модда бешинчи қисмида кўрсатилган “бошқаларда” иборасини аниқлаштириб, унга нималар кириши аниқ кўрсатилиши лозим. Чунки “бошқаларда” ибораси турли маънони англатади.

Амалиётда никоҳ тузиш муддатини қисқартиришни сўраб ариза берганларнинг аризаларини кўриб чиқиш тегишли давлат идоралар томонидан кўрилади. Никоҳ тузишда шомша-шомшарликка асос бўладиган ҳолатларнинг моҳиятини аниқлаш лозим. Шунинг учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини тўғри, эркин ифода этиш қобилиятига қанчалик эга бўлишлигини аниқлашда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш идораларининг ходимлари масъулият билан ёндошишлари талаб этилади.

Оила кодексининг 14-моддасида бўлажак эр-хотиннинг ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши ҳамда никоҳ тузишга мажбур қилишни тақиқлаш каби қоидаларнинг киритилиши оилани мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий меъёр бўлиб хизмат қилади.

Никоҳ тузишнинг ихтиёрийлик тамойилининг бузилиши ва бу ҳаракатларда тарафларнинг айбдор бўлиши аниқланса, суд Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 136-моддаси нормасини

қўллашга ҳақли. Ушбу нормада кўрсатилганидек, “аёлни эрга тегишига ёки никоҳда яшашни давом эттиришга мажбур қилиш ёхуд аёлнинг эркига хилоф равишда у билан никоҳда бўлиш учун ўғирлаш, шунингдек, аёлни эрга тегишига тўсқинлик қилиш энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамок билан ёки уч йилгача озодликдан маҳрум этиш” билан жазоланиши кўрсатилган.<sup>1</sup>

Никоҳ тузиш шартларидан бири бўлган никоҳ тузувчиларнинг эркига хилоф равишда қилинган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар инсон манфаатларига нисбатан зид ҳисобланиб, мустақил республикамиз фуқароларининг конституциявий ҳуқуқларини поймол қилинишига олиб келади. Никоҳни ўзаро келишув-розилик асосида тузилиши, бу ўз навбатида бўлажак эр-хотиннинг оиласини тенглик асосида қурилганлигини билдирса, бошқа томондан оиланинг барқарор ва мустаҳкам бўлишини ҳам таъминлашга қаратилган тадбирдир.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиб, никоҳ тузишнинг ихтиёрийлик тамойилига қуйидагича илмий-доктринал таъриф бериш мумкин.

Никоҳ тузишнинг ихтиёрийлик тамойили деганда, никоҳланувчи шахсларнинг ўзга шахслар томонидан мажбур этилмасдан оила қуриш учун эркин, тенглик ва ўзаро ихтиёрийлик асосида никоҳни расмийлаштиришлари, оила қонунчилиги нормаларида белгиланган, шунингдек келажакда уларнинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқлари ҳимоясини оилавий-ҳуқуқий нормалар билан мустаҳкамлайдиган, виждон ва қалб амри билан никоҳ муносабатларига киришиб, эр-хотинлик муносабатида яшашлари тушунилади.

### **1.3. Никоҳ тузиш шартлари бўйича биологик характердаги ҳолатлар мазмуни**

Никоҳ тузиш шартлари бўйича биологик характердаги ҳолатлар хусусида тўхталиб, шуни таъкидлаш лозимки, никоҳ тузиш учун талаб қилинадиган шартлардан асосийси бу никоҳланувчи шахсларнинг қонун доирасида белгиланган ёшга етишлари ҳисобланади.

Оила қонунчилигига биноан учта асосий ҳолат, яъни тўла муомала лаёқатини беради. Булар: никоҳга кириш, эмансипация, никоҳдан ажралиш бўлиб ҳисобланади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 1. А. Адолат. 2006 й.

Шу ўринда амалдаги Фуқаролик қонунчилиги белгилаган тўла муомала лаёқатига эга бўлиш имкониятларининг кенгайтирилганлигини айтиш ўринли бўларди. Чунончи, бугунги кунда қуйидаги ҳолларда фуқаро тўла муомала лаёқатига эга бўлиб ҳисобланади:

- фуқаронинг вояга етиши, яъни 18 ёшга тўлиши муносабати билан (мамлакатимиз қонунчилигига кўра, Республикамизда 18 ёш фуқаронинг вояга етиш ёши ҳисобланади. Бинобарин, бу ёшдан фуқаро тўла муомала лаёқатига эга бўлади, деб белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 22-моддасига биноан, мамлакатимизда бу соҳада ўта мўътадил ёш (давр) танланган. Мазкур муомала лаёқатига етиш ёши турли мамлакатларда турлича қилиб белгиланган. Жумладан, Японияда бу ёш 20 ёш<sup>1</sup>, Францияда 21 ёш<sup>2</sup>, Швейцарияда 25 ёш қилиб белгиланган. Яна эътиборлиси, Ислонда тўла муомала лаёқатини белгилаш ва аниқлашда ўзига хос ёндошув мавжуд. Бу ҳуқуқ тизимида кўра, тўла муомала лаёқатини белгилашда жинс ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унга кўра, эркаклар учун 15 ёш, қизлар учун 12 ёш қилиб белгиланган<sup>3</sup>);

- вояга етгунга қадар қонуний асосда никоҳдан ўтган вақтдан эътиборан (дарвоқе, никоҳ ёши бизда эркаклар учун – 18 ёш, аёллар учун – 17 ёш қилиб белгиланган<sup>4</sup>).

Никоҳ ёши турли давлатларда турлича қилиб белгиланган. Масалан, Болгарияда ҳар икки жинс вакилларида ҳам – 18 ёш, Англияда – 16 ёш, Франция ва Венгрияда эркаклар учун – 18 ёш, аёллар учун – 16 ёш, Польшада – 21 ва 18 ёш, Японияда – 18 ва 16 ёш, Грузияда – 17 ва 16 ёш, Украина ва Туркменистонда – 18 ва 17 ёш, АҚШнинг турли штатларида никоҳ ёши – 16 дан 21 ёшгача қилиб белгиланган<sup>5</sup>);

- никоҳ тузиш натижасида эга бўлинган муомала лаёқати 18 ёшга тўлмасдан туриб, никоҳ тугатилган тақдирда ҳам тўла сақланиб қолади. Назаримизда, қонун чиқарувчи орган ушбу ҳолатни белгилаб жуда тўғри қарорга келган. Буни шундай изохлаш мумкин бўлардики, никоҳ икки жинс вакиллариининг иттифоқидан иборат бўлганлиги уларнинг бўлажак ота, бўлажак оналик сифатларини намоён қилади. Ўз-ўзидан равшанки, қонунчилик бундай “беқарорликка” бефарқ қараб тура олмайди;

<sup>1</sup> С.Вагапума, Т.Арийдзуми. Гражданское право Японии. - М.: Прогресс.1983. -50 б.

<sup>2</sup> Французский Гражданский кодекс. Юридическое издательство НКЮ СССР. - М.:1941. -118 б.

<sup>3</sup> Мухтасар (Шариат қонунларида қисқача шарҳ). - Т.: Ҷулион. 1994. -335 б.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг Оида кодексига шарҳлар. - Т.: Адолат. 2000. -44 б.

<sup>5</sup> М.Богуславский. Международное частное право. - М.: Юрлит. 1994. -12 б.

- эмансипация ҳолати бўйича, ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси асосида ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилинади. Ушбу ҳолатнинг белгиланишини ҳам қонунчиликнинг муваффақияти деб баҳоласак, ўринли бўларди. Чунки бу билан фуқароларнинг тўла муомала лаёқатига эга бўлиш имкониятлари янада кенгайтирилди. Аммо, ўз ўрнида шуни ҳам айтиш керакки, қонунчилик фуқароларга, шу жумладан, вояга етмаганларга бир пайтнинг ўзида ҳам ҳуқуқ беради (ўз ҳаракатлари билан имкониятларини юзага чиқаради), ҳам бурч-мажбурият юклайди (айрим ҳаракатларни содир этишдан сакланиш каби)<sup>1</sup>. Шу маънода олганда, фуқаро ва давлат ўзаро ҳуқуқдор ва бурчдор ҳисобланади. Бу билан нима демоқчимиз? ФКнинг 28-моддасига киритилган эмансипация<sup>2</sup> ҳақидаги нормада вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлиши талаб қилинади. Бу – бежиз эмас, албатта. Чунки амалдаги меҳнат қонунчилиги<sup>3</sup>га кўра, ходим билан иш берувчи ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи акт – бу меҳнат шартномаси ҳисобланади. Унда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс этади. Табиийки, меҳнат шартномаси асосида ишлаш ходим зиммасига муайян мажбуриятларни, масъулиятни юклайди. У иш берувчи олдида, шунингдек, меҳнат жамоаси олдида ҳисобдор саналади. Ўз навбагида иш берувчи ҳам ёлланган ходим олдида бир қатор мажбуриятларга эга бўлади. ФКга айнан меҳнат шартномаси асосида ишлаётган бўлиши талабининг киритилишини яна нима билан изоҳлаш мумкин? Дейлик, меҳнат шартномаси тузмасдан, оддий (бир галлик), оғзаки келишув асосида иморат солаётган ишчи-ходимларни кўп учратамиз. Тўғри, улар ўзаро келишув асосида муайян иш бажаришяпти. Аммо, тўлов куни келган пайтда улар кўп ҳолларда чув тушиб қолишмоқда. Судга мурожаат қилишнинг эса, ҳеч бир имкони йўқ. Сабаб – тарафлар ўртасидаги келишувнинг ифодаси ҳисобланган шартнома (аниқроғи, ёзма шартнома) мавжуд эмас. Суд учун эса табиийки, бу ҳолат (яъни, шартнома) асосий далил сифатида талаб қилинади. Бундай ҳолатларда ўз-ўзидан бутун таваккалчиликни ёлланган ишчи ўз зиммасига олишига тўғри келади. Демак, бундан шундай ҳу-

<sup>1</sup> И.Б.Зокиров, М.Х.Баратов. Вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқлариغا оид қонун қафолатлари тўлимида. Т.: Ўзбекистон. 2000. -115 б.

<sup>2</sup> Эмансипация латинча “emancipation” сўзидан олинган бўлиб, “қарамликдан ёки камситилишдан озод қилиш, мустақиллик ва тенг ҳуқуқлилик олиш” деган маънони билдиради.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996 йил 1-сонга илова.

лосага келиш мумкинки, бундай ҳолларда ёзма шаклда меҳнат шартномаси (контракти) тузган афзал ва ўз навбатида бу ҳол вояга етмаган шахснинг тўла муомала лаёқатига эга бўлишини ҳам билдиради.

Хўш, фуқаролик процессида шахснинг тўла муомала лаёқатига эга бўлиши қандай тартибда амалга оширилади?– деган савол тугилиши табиийдир.

Фуқаролик процессуал кодексининг 38-моддаси 4-қисмида ўн олти ёшга тўлган, вояга етмаган шахс конун ҳужжатларида белгиланган тартибда муомалага тўла лаёқатли (эмансипация) деб эълон қилинган тақдирда, судда ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини шахсан амалга ошириши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Фикримизча, никоҳ ёшини белгилашда муайян оқилона мезон куйидаги омиллар билан белгиланиши лозим:

-биринчидан, биологик мезон. Бундай мезон бўлғуси эр-хотинни жисмоний жиҳатдан вояга етганлигини белгилаб беради. Жисмоний баркамоллик нафақат жинсий жиҳатдан никоҳланувчи шахсларнинг етилганликларини, балки никоҳланувчи шахсларнинг саломатликлари, фарзанд кўришига, уларни парвариш қилишга тайёргарлик ҳолатларини ҳам англатади;

- иккинчидан, руҳий-психологик мезон. Эркак ва аёл турмуш қуришга руҳий жиҳатдан тайёр бўлишлари, уларда энг аввало болалик ва ўсмирлик давридаги хис-ҳаяжонга берилиш, психологик барқарорлик хислатлари ўрнига муайян дунёқараш, эрк-ирода, ҳаётий кўникмалар шаклланади, бу эса оилани мустаҳкам ва барқарор бўлишини таъминлайди;

-учинчидан, ақлий етуклик. Ушбу мезон кишини фақат муайян интеллектуал ҳолати, билим даражасинигина англамайди. Ақлий ҳолат муайян билим, тажриба ва уни амалда қўллаш олиш, эр-хотин, оила, фарзанд масъулияти, оилани нормал турмуш кечиришини таъминлаш лаёқати ҳисобланади;

-тўртинчидан, социал-ижтимоий шарт-шароитлар. Ушбу шарт-шароитлар мажмуи ёш оилани моддий жиҳатдан турар-жой, маиший жиҳатдан ўзини-ўзи таъминлаш, ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш имконига эга бўлишни англатади. Албатта, ёш оила ота-оналар ва бошқа қариндошлар ғамхўрлиги остида бўлиши табиий. Аммо бу ғамхўрлик ёш оилани мутлақо боқимандалик даражасида бўлиш ёхуд социал-ижтимоий ҳужайра сифатидаги мустақил ҳолатида бўла олмаслиги натижаси бўлмаслиги керак;

-бешинчидан, ҳукукий мезон. У ёш келин-куёвни ҳуқуқ субъекти, тўла муомала лаёқатига эга бўлишини англатади. Бир қарашда биологик, руҳий психологик, социал-ижтимоий, аклий мезонлардан фарқли равишда юридик мезон қонун чиқарувчининг хоҳиши ўзига хос субъективликка асосланган мезонга ўхшаб туюлади. Бироқ, юқоридаги бошқа омиллар каби никоҳ ёшини белгилловчи юридик мезон ҳам муайян объектив асосларга таянади. Ушбу асослар негизида юқоридаги тўрт омил ётади, деб айтиш мумкин. Шу муносабат билан амалдаги қонунчиликда белгиланган никоҳ ёши ўн етти ва ўн саккиз ёш қай даражада оқилона эканлигини ўрганиш муайян қизиқиш туғдиради. Н.Ашурованинг фикрича, вояга етмаган фуқаролар фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлсалар-да, онгли ҳаракат қилиш имконияти чекланганлиги боис ўзлари мустақил мажбуриятларни зиммаларига олишлари қонун билан 18 ёшга тўлишлари билан вужудга келади. Вояга етганлик ва вояга етмаганлик орасидаги фарқни айнан ёш билан боғлаб қўйилганлигининг асосий сабаби шу ёшдан (18 ёш) бошлаб инсонда руҳий етуқликка эришиш, ҳаётий тажрибанинг ортиши, ўзининг қилаётган хатти-ҳаракатини тушуниш ва ўзини идора этиш хислатлари пайдо бўлади. Мазкур белгиларнинг мавжудлиги шахсининг вояга етганлигини белгилаб беради. Н.Ашурова шунингдек, вояга етмаганлар фуқаролик-ҳуқуқий ҳолатини белгилашда биологик-жисмоний ва психологик мезонлар хусусиятларини ўрганиб, уларни ҳар тарафлама асослаб беради. Айни пайтда у “вояга етмаган” иборасини қонунчиликка киритиш мақсадида ишлаб чиқади. “Вояга етмаган фуқаролар деганда, қонунда белгиланган ёшга етмаган, ўз ҳаракатларининг ҳуқуқий оқибатларини англаб олиш учун ҳаётий тажриба ва зарурий аклий, руҳий, иродавий қобилиятларга эга бўлмаган шахсларга айтилади”. Муаллифнинг фикрича, болаларда эрта улғайиш-аксельрация жараёни ҳам мавжуд. Аксельрациянинг асосий кўринишлари XIX асрнинг 20-30 йилларига қараганда ўсмирларнинг бўй узунлиги, тана оғирлиги, жинсий ривожини каби белгиларда тезлашув кузатилади (ҳар ўн йилда 4-6 ойга тезлашган). Ўғил болаларда эса бу давр 1-2 ёш олдин балоғатга етишда намоён бўлмоқда. Аксельрация жараёни вояга етмаганларни фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштироки доирасини кенгайтиришни талаб этади<sup>1</sup>.

Н.Ашурованинг вояга етмаганларнинг тўлақонли ҳуқуқ субъекти сифатидаги хусусиятларга эга бўла олмаслик сабаблари тўғрисида-

<sup>1</sup> Н.Ашурова. Вояга етмаганларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги иштироки. Номзодлик дисс. -Т.: 2008. -23-35-бетлар.



ги фикр-мулоҳазаларига тўлик қўшилган ҳолда, шуни ҳам унутмаслик керакки, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар ва никоҳ ҳуқуқий муносабатлари ўртасида муайян умумийликлар мавжуд бўлиши билан бирга, никоҳ муносабатлари ижтимоийлик даражаси ва масъулият ҳажми нисбатан юқорироқдир. Шу сабабли ҳам фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш мақсадида аксельрация ҳисобга олиниши (вояга етмаганлар иштирокидаги фуқаролик муносабатлари доираси кенгайиши) мақсадга мувофиқдир, лекин бу ҳолат келгусида никоҳ ёшини камайтириш учун асос бўлмаслиги лозим.

Юқорида таъкидланганидек, никоҳ ёши масаласида турли хил баҳс-мунозаралар мавжуд. Т.В.Кочергина никоҳ ёши масаласи ҳусусида тўхталар экан, никоҳ ёшини бевосита аёллар учун ўн етти, эркаклар учун ўн саккиз ёш қилиб белгиланганлиги айни муддао эканлигини таъкидлайди<sup>1</sup>, Шунингдек, ушбу ёшда йигит ва қизлар биологик жиҳатдан тўла қонли ривожланиш даражасида бўлишларини кўрсатади.

Фикримизча, Т.В.Кочергинанинг фикрлари бироз баҳсталаб. Чунки айрим ҳолларда, йигит ва қизларнинг руҳий ҳолати, жинсий мойиллик даражаси тўла қонли ривожланмаган бўлиши ҳам мумкин.

Шу ўринда Оила кодекси ҳам 1969 йилда қабул қилинган Никоҳ ва оила кодексларидаги никоҳ ёши масалалари ҳусусида ҳам тўхталиб, улар ўртасида никоҳ ёши масаласида ҳеч қандай ўзгариш бўлмаганлигини кўриш мумкин.

Оила кодексига агар узрли сабаблар бўлганида алоҳида ҳолларда туман, шаҳар ҳокимининг қарорига кўра, никоҳ ёши кўпи билан бир йилга камайтирилишини қуйидагича асослаш мумкин:

Никоҳ ёшини юқорида белгиланган асосда камайтирилишига маҳаллий шароитнинг ўзига хос хусусиятлари, никоҳланувчиларнинг биологик жиҳатдан етилиши учун етарли шароитларнинг мавжудлиги ва бошқа шу каби ҳолатлар асосий сабаб ҳисобланади ва улар инобатга олинганлиги мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун бундай қонданнинг киритилиши халқимиз турмуш тарзига мос бўлганлиги сабабли ҳуқуқий меъёр сифатида ўз ўрнини тўғри топган деб ҳисоблаймиз.

Г.К.Матвеевнинг фикрича, Оила кодексига ҳам, 1969 йилги Никоҳ ва оила кодексига ҳам неча ёшдан бошлаб никоҳга кириш мумкин эмаслиги белгиланмаган (яъни кекса, ёши улуғ кишиларни никоҳга кириш имкониятлари чегараланмайди)<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Т.В.Кочергина. Семейное право. – Учебно-методическое пособие. – Т.: ТДЮИ. 2006. 105 бет.

<sup>2</sup> Г.К.Матвеев. Советское семейное право. – М.: Юр.лит. 1985. 67-бет.

Фикримизча, никоҳ тузувчилар ўртасидаги ёш бўйича катта фарқ бўлмаслиги мақсадга мувофиқдир. Бунга асосий сабаб:

-биринчидан, эркак ва аёлнинг ёши ўртасида 25-50 ёш ва ундан катта фарқ уларни шахвоний эҳтиёжларини қаноатланишига таъсир кўрсатиши, бу билан оиланинг бузилишига;

-иккинчидан, ёши катта эр-хотиндан бирининг аксарият ҳолларда ёруғ дунёдан олдинроқ кўз юмиши сабабли фарзандлар тарбиясига ҳамда оиладаги иқтисодий қийинчиликларни вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин.

Оила кодексининг 15-моддаси 2-қисмида “узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра, никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан никоҳ ёшини кўпи билан бир йилгача камайтириш мумкинлиги ҳақида айтиб ўтган эдик. Хўш, “узрли сабаблар”, “алоҳида ҳоллар” тушунчасига нималар киради. Бу ҳақда оила кодексига ҳеч нима дейилмаган. Назаримизда, қонунда никоҳ ёшини камайтириш учун асос бўладиган ҳолатларнинг доирасини белгилаш (тахминий санагини бериш) мақсадга мувофиқ бўлар эди. Буларга, никоҳ ёшига етмаган қизни ҳомиладор бўлиб қолиши ёки фарзандни дунёга келтириши, қизлик иффатини йўқотганлиги ва ота-оналари уларни турмуш қуришга рози бўлишлари, бўлажак куёвни ҳарбий хизматга чақирилиши ва бошқа муҳим сабабларини киритиш мумкин.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи республикаларнинг Оила кодексларида никоҳ ёши турлича қилиб белгиланганлигини кўриш мумкин. Масалан, Россия Федерациясида белгиланган никоҳ ёши (ўн саккиз) ёшни икки ёшга камайтириш ваколати қонунда кўрсатилган тегишли идораларга берилган.

Қозоғистон Республикасининг 1969 йилги Никоҳ ва оила кодексига никоҳ ёши эркак ва аёллар учун ўн саккиз ёш қилиб белгиланган. Айрим ҳоллар тегишли маҳаллий органларнинг руҳсати билан никоҳ ёши фақат аёллар учун бир йилга камайтирилиши мумкинлиги кўрсатилган<sup>1</sup>.

Худди шундай ҳуқуқий меъёрлар Қирғизистон, Латвия, Эстония, Молдова республикаларининг қонунларида ўз ҳам ифодасини топган.

<sup>1</sup> Комментарий к кодексу о браке и семье Каз ССР. Алматы: Изд. Казахстана, 1972. 24-25 бетлар.

Айрим узоқ хорижий мамлакатларда масалан, Польша республикасида никоҳ ёши эркаклар учун йигирма бир ёш, аёллар учун ўн саккиз ёш; Руминия Республикаси аёллар учун ўн олти; Хитой Халк Республикасида эса аёллар йигирма ёшдан, эркаклар йигирма икки ёшдан никоҳ тузишга ҳақли эканликлари нормаланади.

Хорижий мамлакатлар қонунчилигида никоҳ тузиш принципи масаласи ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турганлиги яққол кўриниб турибди.

Демак, никоҳ ёшининг қисқартирилиши туфайли оила қурган эр-хотин тўла муомала лаёқатига эга бўлган ҳисобланиб, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳолатларда ишларда тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар.

Никоҳ ёшини қисқартириш тўғрисидаги қонуннинг яна бир янги жиҳатлари никоҳ ёши никоҳланувчиларга хоҳлаган давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокимига мурожаат қилиш ҳуқуқини бермайди, балки никоҳ давлат рўйхатидан қаерда ўтказилган бўлса, шу жойдаги туман, шаҳар ҳокимига мурожаат этиш ҳуқуқини беради. Бу қоида амалиёт талабларига жавоб берадиган жиҳатлар бўлиб, суистеъмолчиликлар ёки турли асосиз ҳаракатларни олдини олишга имкон беради.

## II БОБ. НИКОҲ ТУЗИШГА МОНЕЛИК ҚИЛАДИГАН ҲОЛАТЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

### 2.1. Никоҳ тузиш шартлари бўйича якка никоҳлилик тамойилининг бузилиши

Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар Оила қонунчилиги нормаларида белгиланган никоҳ тузиш шартларига қўйиладиган талабларнинг бузилиши сифатида намоён бўлади.

Никоҳ тузиш шартларига монелик қиладиган ҳолатларни эътиборга олмаслик тузилган никоҳнинг ҳақиқий саналмаслигига асос бўлади. Бу қоида Оила кодексининг 16-моддасида ўз ифодасини топган.

Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар қуйидагилардан иборат:

-лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида;

-насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида;

-лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида йўл қўйилмаслиги нормаланади.

Шу ўринда Оила қонунчилигидаги юридик фактлар ва уларнинг турлари хусусида алоҳида тўхталиб, уларнинг ўзига хос хусусиятларини илмий таҳлил қилиш ҳамда никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар ҳам юридик фактлар таркибига кириш ёки кирмаслиги масаласида фикр юритишни лозим деб ҳисоблаймиз.

Барчага аёнки, юридик фактлар маълум маънода фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ва бекор қилувчи ҳолатлар бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12-апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари”<sup>1</sup> да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 38-моддасида оилавий-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ва бекор қи-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12-апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари.-Т.:Алоқат.-1999 й.

лувчи ҳолатлар қаторига туғилиш, никоҳга кириш, никоҳдан ажралиш ҳамда фуқаронинг вафоти каби масалалар киритилган.

• Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги Фуқаролик кодекси қабул қилинганга қадар ушбу юридик фактларни етти тури мавжуд бўлиб, булар қаторига фарзандликка олиш, исмни ўзгартириш каби масалалар ҳам киритилган эди. Фуқаролик кодексига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар натижасида улар тўртта ҳолатга келтирилган.

Шу ўринда никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар ҳам юридик факт бўлиб ҳисобланишини алоҳида кўрсатиш лозим. Чунки никоҳни расмийлаштириш жараёнида никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатларнинг мавжуд бўлмаслиги ўзиёқ юридик факт ҳисобланади (масалан, никоҳланувчи шахсларнинг яқин қариндош бўлмасликлари).

Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларига қўшимча ва ўзгартириш киритиб, никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатларни ҳам алоҳида юридик факт эканлигини нормалаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Чунки никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар ҳам бир вақтнинг ўзида ҳуқуқ ва бурчаларни вужудга келтирмоқда, ўзгартирмоқда ва бекор қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига яқин никоҳлилик тамойилининг мустақамланганлиги, жамиятнинг ахлоқий қоидаларига мос келиши ва уни тараққиётнинг юқори босқичидаги никоҳ оила муносабатларининг талабларига жавоб бериши кўпгина муаллифлар томонидан таъкидланган.

Никоҳ тузиш шартларига риоя қилинмасдан тузилган никоҳ никоҳни ҳақиқий эмас деб ҳисоблашдан ташқари, қонунни бузган шахсларни жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади. Мазкур ҳолат Жиноят кодексининг 126-моддасида кўрсатилган кўп хотинлик, яъни умумий рўзғор асосида икки ёки ундан ортиқ хотин билан эр-хотин бўлиб яшаш энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланиши каби оқибатларга олиб келишлиги белгиланган<sup>1</sup>.

Оила кодексининг 16-модда 1-қисмида белгиланган қоида бузилганлиги аниқланган тақдирда, Жиноят кодексининг 126-моддасига мувофиқ, айбдор шахс жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. –Т.: Адолат. 2006 й.

Бирок, бу ҳуқуқий меъёрда “кўп хотинлик бўлиш, яъни умумий рўзғор асосида икки ёки ундан ортиқ хотин билан эр-хотин бўлиб яшаш” тўғрисида фикр юритилади. Бу ҳуқуқий меъёрда рўйхатга олинган бошқа никоҳда бўлишлик назарда тутилмасдан, фақат умумий рўзғор асосида яшайдиган шахсларни “кўп хотинли” деб ҳисоблаш назарда тутилади.

Оила кодексидаги никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатларни Жиноят кодексининг 126-моддаси нормалари билан ҳамоҳанг бўлишини назарда тутган ҳолда, шунингдек Жиноят кодексининг мазмунида ўз ифодасини топмаганлиги ва буни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 126-моддасини қуйидаги таҳрирда баён қилишни таклиф этамиз: “Кўп хотинлик бўлиш учун эр рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган, умумий рўзғор асосида икки ёки ундан ортиқ хотин билан эр-хотин бўлиб яшаган бўлиши лозим”.

Фикримизча, ушбу таклиф қилинаётган норма оила қонунчилиги нормаларини Жиноят қонунчилиги нормалари билан бир-бирини тўлдиради, ҳамда якка никоҳлилик тамойилини бузилишини олдини олишга ижобий таъсир кўрсатади.

Фикримизни асослаш учун қуйидаги маълумотларни келтирамиз. Масалан, 1999 йилда фақат Республика судлари томонидан 15.803 та ажралиш йўли билан тугалланган никоҳ – бу дегани ҳар 100.000 та аҳоли сонига – 105 та аёл ўз турмуш ўртоғисиз ёлғиз бўлиб қолган.

Бундан ташқари, вояга етмаган болаларга алимент ундириш ҳақида 21.309 та суднинг ҳал қилув қарори чиқарилган – бу дегани 21.309 та ёлғиз аёллар алимент ундириш масаласи билан судларга муурожаат қилганлар.

Р.Муҳамедовнинг фикрича, якка хотинлик (монагам никоҳ) ёки кўп никоҳлилик (полигам никоҳ) масаласи доимий равишда мунозараларга сабаб бўлиб келишини кўрсатади<sup>1</sup>.

Р.Муҳамедов ўз фикрини давом эттириб, монагам никоҳ эр-хотинларнинг келгусида фарзандлари соғлом ва бақувват бўлиб дунёга келишини, эр-хотинлар ўртасидаги оилавий муносабатларни нормал тарзда кечишини, шунингдек эр ва хотинлар ўртасида учраб турадиган жинсий органлар орқали юқадиган касалликлар ҳолатини вужудга келиш эҳтимоли паст бўлишини таъкидлайди.

<sup>1</sup> Р.Муҳамедов. Оилада эр-хотиннинг ҳуқуқий муносабатлар. -Т.: Ўзбекистон, 1975. -122 бет.

Биз ҳам ушбу фикрларга тўла қўшилган ҳолда, якка никоҳлилик ижобий натижаларни беришини, шунингдек келажакда вужудга келиши мумкин бўлган оилавий низоларни, ажралишлар сонини камайишига, турли хил касалликлар ва ўлим даражасининг пасайишига олиб келади деган фикрларни илгари сурмоқчимиз. Чунки айрим ҳолларда қонуний асосларда яшаётган эр-хотинларнинг муносабатларига путур етиши натижасида кўп ҳолларда аёллар азият чекиб, ўзларини ўлим даражасигача ёки руҳий ҳолатларида кескин ўзгаришлар содир бўлишига олиб келади.

Якка никоҳлилик хусусида тўхталиб, мусулмон ҳуқуқининг асосий манбаи бўлган Қуръони Каримда кўп хотинликка йўл қўйиш умумий қоидадан истисно сифатида белгиланганлигини кўришимиз мумкин. Нисо сурасининг 3-оятда “Сизлар учун никоҳда ҳалол бўлган аёлларга иккита, учта, тўрттадан уйланаверинглар. Энди агар (улар орасида) адолат қила олмасликдан қўрқсангиз бир аёлга уйланинг...” ёки қўл остингиздаги чўри билан кифояланинг. Мана шу жабру-зулмга ўтиб кетмаслигингизга яқинроқ ишдир”<sup>1</sup> деб кўрсатилган. Қуръоннинг бу оятини Алоуддин Мансур шундай изоҳлайди: “Гарчи Қуръонда кўп хотинликка руҳсат берилса ҳам хотинлар ўртасида адолат қилиш шарт эканлиги таъкидланади”. Маълумки, исломгача бўлган даврда кўп хотинлиликни чегараси йўқ эди ва ҳеч қандай ва шарт қўйилмаганди. Қуръонда у тўрттага қадар чегара чекланади ва албатта ўртада адолат барқарор бўлиши шарт қилиб қўйилди. Модомики, адолат мурод экан, нима сабабдан бир эркакка бир аёл билан турмуш қилиш амр этилмади? Исломуламулари бу саволга шундай жавоб қиладилар: маълумки ислом воқеий диндир. Яъни, у инсонларни покиза ҳаёт кечиришга даъват қилишда ғайривоқеий йўлларни тутмайди. Бинобарин, бу қонунда ҳам воқеий инсоний ҳаёт назарда тутилган. Биринчидан, асрлар давомидаги тажрибаларнинг кўрсатишича ўғил боладан қиз бола кўпроқ туғилади. Иккинчидан, аёл киши эркак кишига қараганда кўпроқ умр кўриши воқеий ҳақиқатдир. Учунчидан, турли фожиалар хусусан, уруш ва тўқнашувларда асосан эркаклар ҳалок бўладилар. Мана шу ва бошқа кўплаб сабаблар натижасида инсоният оламида мудом аёлларнинг саноғи эркакларникидан ортиқ бўлади. Демак, бир эркак фақат бир аёлга уйланиши мумкин дейилса, эркаклар саноғидан ортиб қолган аёлларга зулм қилинган бўлур эди. Яъни, бу аёллар ўзларининг турмуш қуриши ва она бўлиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолар эдилар. Натижада жа-

<sup>1</sup> Қуръони Карим. Т.: Қўллов. - 1992 й. -66-67-бетлар.

миятда нопоклик ва маиший бузуқликлар вужудга келар эди. Шунинг учун Ислом улкан имкониятлари бўлган кишиларга агар адолат қила олишнинг уддасидан чиқсалар бирдан ортиқ аёл билан турмуш қуришга рухсат беради ва шу йўл билан бирга аёллар ўртасида адолат килмай, факат шахвоний нафсини қондириш учунгина кўп хотин олишга ружу қўйган кимсалар учун охиратда ашаддий азоб борлиги ҳақида огоҳлантиради.<sup>1</sup>

Европалик бир гуруҳ олимлар олиб борган тадқиқотлар натижаларига қараганда, инсон соғлом бўлиши, узоқ умр кўриши учун жисмоний машқлар, дори-дармонлар қаторида никоҳда ҳам бўлиши керак экан.

Олимлар аёлидан айрилган эркаклар ва фарзандини ёлғиз ўстираётган аёллар кўпроқ хасталанишларини ва ўзларини ёмон ҳис қилишларини аниқладилар. Бундан ташқари, 34 ёшгача бўлган уйланмаганларга нисбатан 2,5 баробар камроқ. Деярли шунга яқин ҳолатни аёллар орасида ҳам кузатиш мумкин.

Ҳа, инсоннинг соғлиғи ва ўлим даражаси бир-бири билан узвий боғлиқ, - дейди профессор Мёрфи. – Инсоннинг узоқ умр кўриши ва соғлом бўлиши қонуний никоҳда яшашига ҳам бевосита боғланган экан.<sup>2</sup>

## **2.2. Яқин қариндошлар ўртасида тузилган никоҳ**

Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар қаторига қонун насл-насаб шажараси бўйича тўғри туғишган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасидаги муносабатларни киритган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексининг 57-моддасида қариндошлик тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра, бир умумий учинчи шахсдан (аждоддан) келиб чиққан шахслар қариндошлар ҳисобланиши, икки шахс ўртасидаги тўғри шажара бўйича қариндошликнинг яқинлиги қариндошлик даражаси, яъни туғилиш сони билан белгиланиши нормаланади.

Назаримизда, амалдаги Оила кодексининг 16-моддасидаги “насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртаси-

<sup>1</sup> Қуръони Карим. Нисо сураси. 4-оят. Изоҳ 2. 67-бет.

<sup>2</sup> Ш.Р.Юлдашева. Никоҳ умрни узайтиради. Ж//Ҳаёт ва қонун.Т.: -2005.-33 бет.



да” никоҳ тузишга йўл қўймаслик ҳақидаги қоида аниқ берилмаган кўринади.

Юридик адабиётларда қариндошлик тушунчасига илмий таъриф беришга ҳаракат қилинган бўлиб, кимлар қариндош бўлишлари мумкинлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 57-моддасида қариндошликнинг асосий белгилари ва хусусиятлари кўрсатилган. Унга кўра бир умумий шахсдан (отадан) келиб чиққан шахслар қариндошлар ҳисобланадилар. Икки шахс ўртасидаги тўғри шажара бўйича қариндошчиликнинг яқинлиги, қариндошлик даражаси, яъни туғилиш сони билан белгиланади.

Қариндошчилик тўғри ва ён шажарага бўлинади.

Болалар ота-онасига нисбатан тўғри шажарадаги биринчи, нева-ра бобосига, бувисига нисбатан-иккинчи, эвара-катта бобоси, катта бувисига нисбатан-учинчи даражадаги қариндош ҳисобланади.

Ака-ука, опа-сингил, уларнинг болалари, ота-онанинг ака-ука ва опа-сингиллари ҳамда уларнинг болалари, бобо ва бувиларнинг ака-ука ҳамда опа-сингиллари ва уларнинг болалари ва шунга ўхшашлар ён шажара бўйича қариндошлар ҳисобланадилар.

Оила кодексининг 16-моддасида никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатларда куйидаги шахслар ўртасидаги никоҳ тузишга йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган:

а) насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар-бола-ота-она-бобо-буви-катта бобо-катта буви ва ҳ.к;

б) туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида;

в) фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида ён шажара бўйича яқин қариндошлар-тоға-хола, амаки ва жиянлар ўртасида никоҳ тузиш тақиқланиши ҳам Оила кодексининг 16-моддасида ўз ифодасини топиши лозим.

Насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган ва ёндош туташган қариндошлар ўртасида никоҳ тузилишини тақиқланиши Куръони Каримни “Нисо” сурасида ўз ифодасини топган. Бундай ҳолат Христиан динида ҳам, Яхудий динида ҳам мавжуд. Ҳаттоки, мажусийлик даврида ҳам бу гуноҳ ҳисобланган. Софоклнинг “Шоҳ Эдип” асарида билмасдан ўз онасига уйланган ва ундан фарзандлар кўрган шоҳ Эдип фожиаси ёрқин бўёқларда берилган. Бинобарин, бундай никоҳ ҳам ахлоқий, ҳам диний, ҳам тиббий, ҳам рухий-психологик, ҳам юридик жиҳатдан қораланади.

М.В.Кротовнинг кўрсатишича, одатда деярли барча ҳолларда эр-хотин ўзининг яқин қариндош эканлигидан хабари бўлмайди. Қонун ушбу ҳолатда никоҳни ҳақиқий эмаслигини белгилайди. Қон-қариндошлик объектив ҳолат ва уни ҳеч қандай усулда бартараф этиб бўлмайди. Демак, бунда никоҳни ҳақиқий эмаслигига нисбатан санкция қўллаш мумкин эмас.

Дарвоқе, илгариги Ўзбекистон ССРнинг никоҳ ва оила кодексида қариндошлик хусусида ҳеч қандай норма мавжуд эмас эди. Ҳар қандай оилавий муносабатларни тартибга солишда албатта, қариндошлик даражасига албатта аҳамият бериш лозим. Юқорида таъкидлаганимиздек, никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлардан бири – қариндошлик даражасининг тўғри туташган бўлмаслигидадир.

Ш.Ш.Шорахметовнинг фикрича, мусулмон ҳукукида эр-хотиннинг никоҳ тузишга бўлган ҳуқуқ ва бурчлари алоҳида белгилаб қўйилган бўлиб, бу ҳуқуқ ва бурчларнинг қай йўсинда бажариш лозимлиги ҳам аниқ кўрсатиб берилганлигини аниқ асослар орқали очиқ беришга ҳаракат қилиб, шариатда никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар кенг шарҳланиб, бунга кўра аёл кишининг ўз маҳрамлари доирасига қирадиган эркаклар билан никоҳга кириши тақиқланган, маҳрамга кўра, аёл киши юзи очиқ ҳолда кўриниши мумкин бўлган эркак ва яқин қариндошлари бўлиб, булар қаторига масалан, аёл кишининг отаси, ўғиллари, ака-укалари, амакилари, буваси, тоғаси, қайнотаси, бува қайнотаси, қайнини ва қайноғалари, эрнинг тоғалари, қайнотанинг ака- укалари маҳрам ҳисобланганлигини илмий асосланган ҳолда талқин қилади<sup>1</sup>.

Шариат ва амалдаги никоҳ тузишга насл-насаб шажарасининг киритилиши ва бу борадаги асосий талаб оилани мустаҳкамлаш ва зурриётларнинг соғлом, бақувват бўлишини таъминлашга қаратилгандир.

Айрим МДХ давлатларининг Оила кодексларида (Озарбайжон, Беларус республикалари) агар қиз ва ўғил болаларнинг оналари бошқа-бошқа бўлиб никоҳдан ўтмаган, отаси бир бўлса-ю, уларнинг оталиги суд тартибида бегиланган бўлмаса ҳам уларнинг никоҳ тузишига қонун йўл қўймаган, чунки унда ота кони бир эканлиги назарда тутилган.

<sup>1</sup> Ш.Шорахметов. Мусулмон ҳукуки ва хотин-қизлар ҳимояси. Т. :-Шарқ машғаласи. -1-2-сонлари, 1996, 52-бет

## 2.3. Муомалага лаёқатсиз шахслар ўртасида тузилган никоҳ

Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳоллардан яна бири, никоҳланувчилардан бирининг лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки акли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, никоҳ тузишга йўл қўйилмаслиги Оила кодексининг 16-моддаси 3-қисмида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 14 январдаги 18-сон қарорига 2-илова билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тўғрисида”ги Низом<sup>1</sup>га биноан, мазкур органлар асосан аҳоли саломатлигини сақлаш ва яхшилашни, соғлом авлодни тарбиялаш учун шарт-шароитларни шакллантиришни, профилактик соғлиқни сақлашни ривожлантиришни, соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштиришни таъминловчи давлат сиёсатини амалга оширади.

Ушбу Низомга мувофиқ фуқароларнинг соғлиқлари, уларни нормал турмуш тарзини шакллантириш, келажак авлодни тарбиялашда руҳий соғлом бўлмаган хаста беморларни руҳий шифохоналарда давлат ҳисобидан бепул имтиёз асосида даволаш ваколоти мустаҳкамланган. Ушбу Низом хусусида тўхталиб шуни таъкидлаш лозимки, унда соғлиқни сақлаш муассасига мурожаат қилган шахснинг руҳий ҳолати аниқ тавсифланиб, унга кўра, касалликнинг юқори ёки паст даражада эканлиги кўрсатилиб, аниқ исбот ва далиллар асосида фуқарони руҳий хаста ёки хаста эмаслигини исботлаб бериш нормаланади.

Биз юқорида бежизга ҳам “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тўғрисида”ги Низом хусусида тўхталганимиз йўқ. Бунинг исботи шундаки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25-августдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган “никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги Низом ҳам ушбу юқоридаги Низом билан ҳамоҳангдир ҳамда Оила кодексининг 16-моддасида белгиланган руҳий касал ёки акли заиф шахслар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмаслигини янада ҳам мустаҳкамлайди.

Ушбу юқорида кўрсатилган икки Низом асосида никоҳланувчилар никоҳдан ўтишлари билан ўзларини оила олдидаги мажбуриятига, ўз хатти-ҳаракатларига руҳий ҳолатдан жавоб бериш ва уни тушу-

<sup>1</sup> Мазкур Низомга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 53-сонли қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган.

ниб етиш мумкинлигини англатиш, келажакда эр-хотинлик мажбуриятларини амалга оширишга қанчалик қодир ёки қодир эмасликларига қафолат бўлиб хизмат қилади. Никоҳланувчилар никоҳ муносабатларига қираётганларида тўлақонли равишда ўзларининг хатти-ҳаракатларига жавоб берадиган бўлишлари, яъни муомала лаёқатига эга бўлишлари лозим.

Шу ўринда Ш.Р.Юлдашева суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан – соғлиқни сақлаш бўлимлари васийлик ва ҳомийлик фаолиятини амалга оширишини кўрсатиб, ФКнинг 30-моддасига кўра, руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқаро суд тартибидан муомалага лаёқатсиз деб топилди ва бундай фуқарога нисбатан васийлик белгиланади. Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топишнинг асосий мезони – ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмаслиги ёки уларни бошқара олмаслигини кўрсатади<sup>1</sup>.

Биз ҳам Ш.Р.Юлдашеванинг фикрларига қўшимча қилиб, шуни таъкидлаймизки, суд фуқарони муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқатини чеклаш тўғрисида ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан сўнг уч кун ичида ушбу фуқарога васий ёки ҳомий тайинлаш учун васийлик ва ҳомийлик органига мурожаат қилиши лозим.

Я.Е.Песиннинг фикрича, никоҳдан ўтувчилардан бирининг руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги никоҳдан ўтиш учун тўсқинлик қилмаслигини бунга асос қилиб, фақат суднинг муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақидаги қарори бўлиши лозимлиги ва бундай фикрни амалдаги қонунда берилганлигини кўрсатади<sup>2</sup>. Фикримизча, бундай фикрга қўшилишлик мустақил Республикаимизнинг келажак авлодни бақувват, ақлли, заковатли бўлишга айрим салбий таъсирини кўрсатиш мумкин,- деган хавотир ўйғотади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳар қандай руҳий касаллик, ақли заифлик (у вақтинча бўлса ҳам) улар суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилиш учун асос бўлмаса ҳам никоҳдан ўтиб оила куриш, никоҳ тузиш шартларини бузадиган ҳолат деб қаралмоғи лозим.

Юқоридагиларга асосланиб, Оила кодекси 16-моддаси 3-қисмини куйидаги тахрирда баён қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз: “лоақал никоҳланувчи шахслардан бирининг руҳий ка-

<sup>1</sup> Ш.Р.Юлдашева. Фуқаролик ва оила ҳуқуқида васийлик ва ҳомийликни моҳияти, уни амалга ошириш усуллари. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.-Т.:2005.-159 б.

<sup>2</sup> Я.Е.Песин. Семейно-правовые и процессуальные гарантии прав женщин в СССР. -Алма-Ата.: 1972. Автореф.дисс. на соискание уч.степени д.ю.н. -25 б..

саллиги ёки ақли заифлиги ҳақидаги тегишли соғлиқни сақлаш ҳамда тиббий идораларнинг муомалага лаёқатсизлигини тасдиқловчи ҳужжатлари мавжуд бўлган ҳолларда никоҳ тузишга йўл қўйилмайди, қонун нормаси билан белгиланган ҳолатлар бузилиб никоҳ тузилганда, никоҳни ҳақиқий эмас деб топилиши учун асос бўлиб хизмат қилади.”

А.М.Нечаеванинг фикрича, никоҳланувчилардан бири никоҳдан ўтиш жараёнида руҳий касаллигини яширса, бундай ҳолатда ишни судда кўришда суд никоҳни ҳақиқий эмас деб топмасдан, балки ажралиш йўли билан тугалланиши лозимлиги<sup>1</sup> ҳақидаги фикрларини куйидаги асосларга кўра мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблаймиз. Агар никоҳланувчилар никоҳ тузиш жараёнида ўзларининг жиддий касалликларини яширсалар, масалан: эпилепсия, шизефрания, олиграфия каби касалликлардан бири бўлса, кейинчалик бу касалликни аниқланиши оиланинг бузилишига сабаб бўлиши билан бирга иккинчи тарафдан моддий ёрдам талаб этиш ва қонунда кўрсатилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланишга имкон туғдириши адолатдан бўлмайди. Шунинг учун бундай никоҳлар ҳам ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига оиланинг янада мустаҳкам ва барқарор бўлиши, келажак наслни соғлом дунёга келиши учун янгилик сифатида 17-модда киритилган бўлиб, у никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказишга багишланган.

Ушбу кодексга биноан никоҳланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул асосида тиббий кўрикдан ўтишлари, тиббий кўрикдан ўтиш ҳажми ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши нормаланади. 17-моддага 2002 йилнинг 13 декабрида қўшимча ва ўзгартириш киритилган<sup>2</sup>.

Ушбу моддага қўшимча ва ўзгартиришлар киритилгунга қадар 17-модда куйидаги ҳолда амалда бўлган. Никкоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, шунингдек тиббий-ирсий ҳамда оилани режалаштириш масалалари бўйича маслаҳат бериш фақат никоҳланувчи шахсларнинг розилиги билан давлат соғлиқни сақлаш тизими томонидан амалга оширилиши, никоҳланувчи шахснинг кўрикдан ўтказиш натижалари шикофор сири ҳисобланиши ва у никоҳланувчи

<sup>1</sup> А.М.Нечаева. Семейное право. -М.: Юрист. 2000. -307 б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 1-сон, 8-модда.

бошқа шахсга фақат кўриқдан ўтган шахснинг розилиги билан билдирилиши мумкинлиги белгиланган эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25 август 2003 йил 365-сонли қарори билан тасдиқланган "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида"ги<sup>1</sup> Низомда никоҳланувчи шахслар қайси касаллик тури бўйича тиббий кўриқдан ўтишлари ҳамда тиббий кўриқдан ўтишнинг ҳажми ва тартиби аниқ кўрсатилган.

Юқоридаги ҳолатларни инобатга олган ҳолда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 13-модда нормасига тўла мос келиши мақсадида, 17-модда иккинчи қисм: "Ушбу кодекснинг 13-модда бешинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш талаб қилинмайди", деб нормаланса, ҳар икки модданинг мазмун-моҳияти бирига мос ва ҳамоҳанг бўлар эди.

Фикримизча, Оила кодексига киритилган 17-модда жуда ҳам ўринлидир. Чунки ҳозирги кунга келиб, амалиётга назар ташлайдиган бўлсак, шундай нохуш ҳолатлар юзага келмоқдаки, унда нафақат эр ёки хотин балки бунинг натижасида дунёга келган бегуноҳ фарзандлар жабр кўрмоқдалар.

2005 йилнинг 13 сентябрида Тошкент шаҳар судига фуқаро Азизова Мақсуда никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво ариза билан мурожаат қилади. Даъво аризада Азизова Мақсуда Азизов Аброр билан 2004 йилнинг 1 сентябрида никоҳ муносабатига кирганлигини, 2005 йилнинг августида фарзандлари Азизов Бехруз Вич инфекцияси билан дунёга келганлигини, бунга асосий сабаб, ўзи ҳамда эри Мақсудов Аброр ҳам ушбу касаллик билан касалланганлигини маълум қилади. Даъво аризанинг мазмунида Азизова тиббий кўриқдан ўтишни жавобгар Азизов тўғрисида тезлаштирилиши натижасида ўзи ҳал қилганлигини, тиббий маълумотномага асосан Азизов ҳамда Матлабова (Азизованинг қизлик фамилияси) ҳеч қандай юқумли касаллик билан касалланмаганликлари кўрсатилган эди. Бунинг натижасида уларнинг никоҳлари расман Тошкент шаҳар ФХДЁ органида расмийлаштирилган. Орадан маълум вақт ўтиб, Азизова ўзининг ҳомиладорлигини билганлиги ва бунинг натижасида шифокор кўригига бориб, керакли таҳлилларни топширганида унда юқорида кўрсатилган касаллик мавжудлиги аниқланган. Ушбу касаллик эри Азизов А.дан жинсий орган орқали юққанлиги тиббий текширувлар натижа-

<sup>1</sup> "Халқ сўзи", 8 февраль. 2003 йил.

сида ҳамда Азизовнинг никоҳга киргунига қадар Вич касаллиги билан касалланганлигида намоён бўлади<sup>1</sup>.

Ушбу ўрганилган аниқ исботлар ва тақдим қилинган ҳужжатлар асосида Азизов ва Азизоваларнинг никоҳлари ҳақиқий эмас деб топилади ҳамда Азизов А. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасида назарда тутилган ҳоллар бўйича жиноий жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикасида 2007 йил 7 апрелда Оила кодексининг 49-моддасига қўшимчалар киритиш тўғрисида Қонун қабул қилинди<sup>2</sup>. Бунга кўра никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одам иммунитетни танқислиги вируси (ОИВ касаллиги) борлигини иккинчисидан яширганда, иккинчи тараф судга никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида талаб билан мурожаат қилишга ҳақли.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, ЖКнинг 113-моддасида таносил касалликларини ёки ОИТС касаллигини тарқатиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Бундай ҳолатда никоҳ ҳақиқий эмас деб топиш айбдорга нисбатан жиноий жавобгарлик қўлланилиши, ёхуд қўлланмаганлигидан қатъи назар, суд томонидан амалга оширилиши мумкин. Бироқ, агарда суд ЖКнинг 113-моддасига биноан айбланган шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқарса, у ҳолда никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талабни қўйиб бўлмайди (то оқлов ҳукми бекор қилинганда). Агарда суд айблов ҳукми чиқарса, у ҳолда никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида талаб қўйган шахс фуқаролик процессида ўз талабини исботлаш бурчидан озод қилинади. Таносил касалликлари - бу жинсий йўл билан юкадиган юқумли касаллик ҳисобланади. Улар жумласига сифилис, гонорея, триппер, жинсий лимфагранулемоз ва ш.к касалликлар киради<sup>3</sup>. Орттирилган иммунитет танқислиги касаллиги инсон организмни касалликларга қаршилиқ кўрсатиш, ҳимояланиш қобилиятини ишдан чиқаради. Ушбу асосларга кўра никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун касалликни юқтирган шахсни ўзини касал эканлигини билган бўлиши талаб этилади. Баъзан касалликнинг очиқ белгилари яққол намоён бўлган ҳолларда уни билиши лозим бўлганлиги фактини аниқлашнинг ўзи етарли.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун никоҳланувчилардан бирида юқумли касалликларнинг мавжудлиги эмас, балки никоҳга киришда бу касалликни бошқасидан яширганлиги юридик аҳамиятга

<sup>1</sup> Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича судининг ҳал қилув қарори. Т.: 2005 йил. -18 декабрь архив материаллари.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2007 й. 14-сон.133-м.

<sup>3</sup> М.Х.Рустамбаев. Комментарий к Уголовному Кодексу Республики Узбекистан. -Т.: Ўқитувчи. 2004. 79-бет

эга деб кўрсатади Ф.М. Отахўжаев<sup>1</sup>. Ҳақиқатан ҳам, никоҳ ўзаро ишонч ва севгига асосланган иттифок. Бунда бир тараф иккинчи тарафни алдамаслиги, ишончини суиистеъмол қилмаслиги шарт. Касаллик фактини яшириб оила қуриш натижасида бошқа тараф соғлиғи учун реал хавф вужудга келади. Ҳолбуки, келгусида бошқа тарафга касаллик юкмагани, уни даволаниб, соғайиб кетганлик факти Оила кодекси 49-модда 3-қисмини қўллашни рад этиш учун судларга асос бўла олмайди.

Л.Пчелинцеванинг фикрича, никоҳланувчи шахс ўз касаллик фактини яширмаса, касаллик факти яққол кўриниб турган бўлса, бундай ҳолда ушбу асос билан никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни қўллаш мумкин эмас<sup>2</sup>. Албатта, баъзи ҳолларда касаллик белгилари аниқ кўриниб туриши мумкин. Масалан, дармонсизлик, тез-тез шамоллаш, баданда яра-чақалар ва х.кларни пайдо бўлиши. Бирок, буни фақат мутахассис шифокоргина тушуниб етиши мумкин. Шу сабабли ҳам оддий мутахассис бўлмаган кишилар бундай аломатлардан бўлғуси турмуш ўртоғини таносил касали ёки ОИТС билан касалланганлиги ҳақидаги маълумотни ола олмайди.

Г.Иномжонованинг фикрича, никоҳни ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги талабларга нисбатан даъво муддати қўлланмайди, чунки бу шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳисобланади ва бунда Фуқаролик кодексининг 163-моддаси нормалари татбиқ қилинишини кўрсатади<sup>3</sup>. Дарҳақиқат, Фуқаролик ҳамда Оила ҳуқуқида шахсий муносабатларга нисбатан ҳеч қандай даъво муддати қўлланмайди. Россия Федерацияси Оила кодекси 169-моддаси 4-бўлимига кўра, таносил касаллиги ёхуд ОИТС касаллигини яшириб никоҳга кирган шахсларга нисбатан никоҳни ҳақиқий эмаслиги ҳақидаги талаб эр (хотин) хотини (эрини) касаллигини яширганлигини билган ёки билиши мумкин бўлган кундан бошлаб бир йил ичида билдириши мумкинлиги нормаланади<sup>4</sup>. Фикримизча, бундай қоида ўринли ва оқилона мазмунга эга эмас. Чунки юқорида кўрсатилган касаллик турли яъни, тери таносил ва ОИТС инфекцияси билан касалланган шахсларнинг тузалиши бироз мураккаброқдир Ҳақиқатан ҳам, агар инсофли тараф ўз ҳуқуқини бузилган деб ҳисобласа, билган ёки билиши лозим бўлган кундан эътиборан даъво қилиши мумкин. Бунга

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Оила ҳуқуқи. –Т.: ТДҲОИ. 2005. 88 бет.

<sup>2</sup> Л.М.Пчелинцева. Семейное право России. – М.: Норма. 2008. 76-бет.

<sup>3</sup> Г.Иномжонova. Эр-хотин ўртасидаги нафақат шахсий, балки мулкий муносабатлар ҳам аниқ вақт чегарасида давом этадиган муносабатлар ораси а кирмайди деб кўрсатади//Г.С.Иномжонova. Ота-оналар ва болаларнинг ҳуқуқларини оила-ҳуқуқий ҳимоя қилиш муаммолари. Номзодлик дисс. Авгореферати. Т. 2005. 14-бет.

<sup>4</sup> Л.М.Пчелинцева Семейное право России. –М.: Норма. 2008. 100-бет.



даъво муддатини қўлламаслик оила муносабатлари барқарорлигига хавф манбаи бўлади (масалан, беш йил ёки ўн йил ўтгандан кейин ҳам гарчи эр ёки хотин бу ҳуқуқдан фойдаланиш формал нуқтаи назардан тўғридир).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 55-моддасига қўшимча киритиб, 55-модданинг номини қуйидагича белгилаш лозим: “Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабларга нисбатан даъво муддати” ва ушбу модданинг иккинчи қисми сифатида қуйидаги нормани киритиш ижобий ҳолат деб ҳисоблаймиз.

“Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабларга нисбатан даъво муддати қўлланилмайди, ушбу кодексда ва қонунларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, айрим касаллик турлари тери таносил касаллиги ёки ОИТС касаллигини яшириб никоҳга кириш ҳолларида ҳуқуқи бузилган тараф, ваколатли давлат органи ушбу ҳолатни билган ёки билиши лозим бўлган пайтдан бошлаб никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида судга даъво билан мурожаат қилишга ҳақли”.

Бундай касалликларни инсон учун ниҳоятда хавфлигини назарга олган ҳолда, қонун нафақат никоҳланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилибгина қолмай, шу билан бирга, била туриб бошқа шахсни таносил (венерический) касаллигини юктириш хавфи остида қолдирган ва қонунда кўрсатилган бошқа ҳолларда Жиноят кодексининг 113-моддаси асосида жиноий жавобгарликка тортиш масаласини ҳам белгилайди.

## ХУЛОСА

Мазкур мавзуни ўрганиш, тадқиқ қилиш асносида қуйидаги хулосаларга келдик. Гарчи, никоҳ тузиш шартлари оила ҳуқуқининг алоҳида институти бўлиб ҳисобланса-да, лекин ушбу институтни, яъни никоҳ тузиш шартларига риоя қилмасликнинг белгиловчи оила қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари билан боғлиқ бўлган ҳолатлар ҳозирги кунда долзарб аҳамият касб этиб келмоқда. Шу нуқтаи назардан, ҳамда тадқиқотимизнинг асосий қисмида ўрганилган ва тадқиқ қилинган масалалар асосида қуйидаги хулосаларга, илмий натижаларга келдик.

1. Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар ҳам юридик факт эканлигини исботлаб, никоҳни расмийлаштириш жараёнида никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатларнинг мавжуд бўлмаслиги ўзиёқ юридик факт ҳисобланишини кўрсатади.

Оила кодексининг 16-моддасида никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатларда қуйидаги шахслар ўртасидаги никоҳ тузишга йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган:

а) насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар-бола-ота-она-бобо-буви-катта бобо-катта буви ва ҳ.к;

б) туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида;

в) фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида. а ён шажара бўйича яқин қариндошлар-тоға-хола, амаки ва жиянлар ўртасида никоҳ тузиш тақиқланиши ҳам Оила кодексининг 16-моддасида ўз ифодасини топиши лозим.

2. Оила кодекси 16-моддаси 3-қисмини қуйидаги тахрирда баён қилиш, мақсадга мувофиқдир: “лоақал никоҳланувчи шахслардан бирининг руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги ҳақидаги тегишли соғлиқни сақлаш ҳамда тиббий идораларнинг муомалага лаёқатсизлигини тасдиқловчи ҳужжатлари мавжуд бўлган ҳолларда никоҳ тузишга йўл қўйилмайди, қонун нормаси билан белгиланган ҳолатлар бузилиб никоҳ тузилганда, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиллиши учун асос бўлиб хизмат қилади.”

3. Айрим касаллик турлари тери таносил касаллиги ёки ОИТС касаллигини яшириб никоҳга кириш ҳолларида ҳуқуқи бузилган тараф, ваколатли давлат органи ушбу ҳолатни билган ёки билиши лозим бўлган пайтдан бошлаб никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида судга даъво билан мурожаат қилишга ҳақли”.

4. Никоҳ тузиш шартларини мустаҳкамловчи қонунчиликни тақомиллаштириш:

-биринчидан, никоҳ тузувчиларни никоҳга нисбатан масъулият билан муносабатда бўлишларини таъминлайди, никоҳга киришишга енгилтақлик билан қарашнинг олдини олади;

-иккинчидан, тарафларни пухта ўйлаган ҳолда, шошма-шошарликка йўл қўймасдан қарор қабул қилишларини таъминлайди;

-учинчидан, никоҳ тузишда давлат иштирокини белгилар экан, никоҳга нисбатан нафақат юридик фактни, балки жамиятни янги тузилмасини вужудга келишини расмийлаштириш жараёни сифатида эътироф этади;

-тўртинчидан, эр-хотин ўртасидаги ҳуқуқий боғланишни амалга оширади, улар ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга асос солади, янги ҳуқуқий мақомини белгилайди.

# Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

## I. Раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: Ўзбекистон. 1996. Т.1. -364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан колсин. -Т.: Ўзбекистон. 1994. Т.2. -380 б.
3. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. -Т.: Ўзбекистон. 2000. Т.8. -528 б.
4. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. -Т.: Ўзбекистон. 2003. Т.11. -320 б.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч.-Т.: Маънавият. 2008.- 120 б.

## II. Қонун ҳужжатлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон. 2008. -44 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. -Т.: Расмий нашр. 2007. -496 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. -Т.: Адолат. 2005. -176 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. -Т.: Адолат. 2007.
5. Фуқаролик ҳолатларини қайд этиш тартиби тўғрисида Йўриқнома. -Т.: Адолат. 1995. -44 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайдэтиш қоидалари 12-апрелдаги 171-сон қарори. (қарорнинг 2-илоvasи).-Т.:Адолат. 1999. -62-82 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 14 январдаги 18-сон қарорига 2-илова билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тўғрисида”ги Низом.

### Ш.Махсус адабиётлар:

1. Азарова Е.Г. Право на пособие. Виды и размеры выплат. Комментарий к законодательству. -М.:1997. -158 б.
2. Антокольская М.В. Семейное право. Учебник. -М.: Юрист. 1998. -280 б.
3. Антокольская М.В. Место семейного права в системе отраслей частного права. //Государство и право. -М.: 1995. №6. -30-40 б.
4. Атаходжаев Ф.М. Гарантии прав граждан законодательству Узбекской ССР. Сборник научных трудов. №695. -Т.: 1982.
5. Ашурова Н. Муомала лаёқати.//Ҳаёт ва қонун. 2003. №2.-13-15 б.
6. И. Зокиров. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. -Т.: Адолат. 2006.-296 б.
7. Отахўжаев Ф.М. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. -Т.: Ўзбекистон. 1995. -172 б.
8. Отахўжаев Ф.М. Никоҳ тузхиш тартиби ва шартлари. Тўплам. Хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқларига оид қонун қафолатлари. -Т.: Ўзбекистон. 2000.
9. Ф.М.Отахўжаев, Ш.Р.Юлдашева. Ўзбекистон Республикасининг оила ҳуқуқи. -Т.: Адолат. – 2007.-280 б.
10. Шораҳметов Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. -Т.: Адолат.2001.-507 б.
11. Ш.Юлдашева. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. -Т.:ТДЮИ.-2008.-365 б.
12. Эгамбердиев Э. Даъво ва унинг элементлари. -Т.: Янги аср авлоди. 2000. -40 б.

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш</b> .....	3
<b>I боб. Ўзбекистон Республикасининг оила қонунчилиги бўйича никоҳ тузиш шартлари</b> .....	5
1.1 Никоҳ тузишга қўйилган талаблар моҳияти ва аҳамияти.....	5
1.2 Никоҳ тузиш шартлари бўйича шахсий характердаги ҳолатлар мазмуни.....	11
1.3 Никоҳ тузиш шартлари бўйича биологик характердаги ҳолатлар мазмуни .....	19
<b>II боб. Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатларнинг умумий тавсифи</b> .....	27
2.1 Никоҳ тузиш шартлари бўйича якка никоҳлилик тамойилининг бузилиши .....	27
2.2. Яқин қариндошлар ўртасида тузилган никоҳ .....	31
2.3. Муомалага лаёқатсиз шахслар ўртасида тузилган никоҳ.....	34
<b>Хулоса</b> .....	41
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	43

**УМИДА ШОРАХМЕТОВА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ОИЛА ҚОНУНЧИЛИГИ БЎЙИЧА НИКОХ  
ТУЗИШ ШАРТЛАРИ**

Муҳаррир: *С.Салимова.*

Техник муҳаррир: *А.Боймаматов.*

Компьютерда саҳифаловчи: *Ф.Нурлибаев.*

Босишга рухсат этилди: 05.02.2009.

Ҳажми: 2,9. Адади: 300. Буюртма: № 1400

ТДЮИ кичик босмахонасида босилди.

Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ, 35.

